

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПАУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
АКАДЕМИЯСИ**

**“СУД ҲУЖЖАТЛАРИ ВА БОШҚА ОРГАНЛАР ҲУЖЖАТЛАРИНИ
МАЖБУРИЙ ИЖРО ЭТИШ”
КАФЕДРАСИ**

**СУД ҲУЖЖАТЛАРИ ВА БОШҚА ОРГАНЛАР ҲУЖЖАТЛАРИ
ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШДА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАРНИ
ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ
МАВЗУСИДА ЁЗИЛГАН ДИССЕРТАЦИЯ ИШИ**

Бажарди: “Прокурорлик фаолияти”
йўналиши тингловчиси
**Ҳамидов Азизбек
Олимжонович**

**Илмий
раҳбар:** Кафедра бошлиғи, PhD,
**Хидоятуллаев Алишер
Тоирович**

Тошкент – 2021 й.

МУНДАРИЖА

КИРИШ

I. БОБ. Ўзбекистон Республикасида суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизими

1.1. Ижро ҳужжати тушунчаси ва ижро ҳужжатини ижрота қартиш тартиби.

1.2. Ижро ҳаракатларини амалга оширишда информацион технологиялардан фойдаланишнинг жорий ҳолати.

1.3. Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро қилишда айрим ривожланган хорижий мамлакатлари тажрибаси: қиёсий-хукуқий таҳлил.

II. БОБ. Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро қилишга инновацион ёндашув

2.1. Ижро ҳужжатларини электрон шаклда ижрота тақдим этишдаги мавжуд муаммолар таҳлили.

2.2. Ундирилган маблағларни тақсимлашнинг жорий ҳолати ва уни янада такомиллаштириш масалалари.

ХУЛОСА

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Иловалар

КИРИШ

Мавзунинг долзарбилиги. Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4749-сон Фармони билан тасдиқланган “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари ижроси самарадорлигини ошириш қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида қайд этилган.

“Қонунсиз давлат, судьясиз қонун, суднинг қарори эса суд ижроқисисиз ижро бўлмайди”. *Жак Испар - Суд ижроқиларининг халқаро ташкилоти (UIHJ) Президенти.*¹

Жамиятмиздаги ҳар қандай ижтимоий муносабатларда шахс ўзининг бузилган ҳуқуқларини судда ҳимоя қилиниши қонун ҳужжатлари билан кафолатланади. Бу жараён агар давлатнинг ваколатли органлари томонидан дастлаб суриштирув ёки тергов ҳаракатлари бошланиб, кейинчалик эса судда ўз ечимини топадиган бўлсада унинг ижроси таъминланмагунча шахснинг бузилган ҳуқуқлари тикланмайди. Бошқача айтганда, ижроси таъминланмас экан суд қарорларининг оддий қоғоздан фарқи қолмайди. Айнан шу жиҳатдан ҳам ушбу соҳа ҳуқуқий тизимда муҳим ўринни эгаллайди.

¹ Harmonization of Enforcement Procedures in an Area of Justice with No Boundaries [Гармонизация исполнительного производства в сфере правосудия без границ]. Paris, EJT, coll. Passerelle, 2007.

Сўнгти йилларда мамлакатимизда суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш тизимини тубдан такомиллаштириш, мазкур тизимни замон талабларига мувофиқлаштириш, энг муҳими фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилган тизимга айлантириш бўйича бир қатор ташкилий-хуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди. Бу жараён мазкур соҳа прокуратура органлари тизимиға киритилиб, Бош прокуратура ҳузурида Мажбурий ижро бюроси (кейиги ўринларда Бюро деб юритилади) сифатида қайта ташкил этилиши билан бошланди ва ижро соҳаси ривожланишнинг янги босқичига қадам қўйди. Ҳозирги кунда бошқа давлат органлари, шунингдек ижтимоий муносабатларда бўлгани каби Бюро фаолиятига ҳам замонавий ахборот-коммуникация технологиялари босқичма-босқич жорий этилмоқда. Бу борада Бюро томонидан амалга оширилаётган ишларни алоҳида эътироф этиш лозим албатта. Ижро ҳужжатларини ижро қилиш жараёни давлат ижрочисидан ўзига ҳос билим, малака ва энг асосийси вақтни талаб этади. Жамият ҳуқуқий онги ва маданияти ошиб борар экан унинг субъектлари ўртасидаги низоларни суд орқали ҳал қилиш амалиёти тобора кенг тус олиб бормоқда ва бу эса ўз навбатида ижро ҳужжатларининг сони тобора кўпайиб, давлат ижрочисининг иш юклamasи янада ортиб боради демақдир.

Бугунги кунда Бюро давлат ижрочиларининг иш юклamasи МДҲ ва бошқа кўплаб ҳорижий мамлакатларда мазкур соҳа масъулларининг иш юклamasига нисбатан юқори бўлиб, бу ҳолат ижр ҳужжатларининг ўз вақтида ва тўлақонли ижросини таъминлашга салбий таъсир кўрсатади.

Мазкур диссертация иши ижро иши юритувига замонавий ахборот технологиялари татбиқ этилишининг жорий ҳолати, бу борада мавжуд муаммоларнинг ташкилий-хуқуқий жиҳатлари таҳлил қилиниб, давлат ижрочиларининг суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижросини таъминлаш жараёнидаги айрим ҳаракатларини инсон омилини четлаган ҳолда, автоматлаштириб, авваламбор давлат ижрочиларининг иш юкламаларини

нисбатан енгиллатиши, қолаверса соҳадаги айрим коррупцион ҳолатларга чек қўйиш ва уларнинг олдини олиш орқали ижро иши юритувидаги тарафларнинг ҳуқуқларини янада ҳимоя қилиш чораларини кўришга йўналтирилганлиги билан аҳамиятли ҳисобланади.

Мавзунинг илмий янгилиги. Давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда уларнинг мансабдор шахслари фаолиятига амалдаги муносабат узок йиллардан, айтиш мумкинки собиқ совет тузумидан қолган мерос бўлиб келмоқда. Бундай муносабат жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш айнан ушбу давлат хизматчиларининг хатти-ҳаракатига боғлиқ бўлиб қолишига олиб келади. Яъни, аслида қонун билан аниқ белгилаб қўйилган айрим муносабатлар мансабдор шахснинг ҳаракати ёки унинг ҳаракатсизлиги туфайли рўёбга чиқмай қолиши мумкин бўлиб, бу авваламбор ушбу муносабат субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига путур етказади, қолаверса коррупцияга мойил вазиятни вужудга келтиради. Аслида эса амалдаги қонун нормаларимизни амалиётда қўллаш механизмини таҳлил қиласак, бугунги кунда айрим соҳалардаги қонун устуворлиги инсон омилига боғланиб қолгани яққол кузатилади.

Айрим турдаги ижро ҳаракатларининг автоматлаштирилиши техник жараёндек кўриниши мумкин, бироқ даставвал ушбу жараённинг ҳуқуқий асосини яратиш ва уни илмий жиҳатдан исботлаш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда ўтган йиллар давомида ҳуқуқий соҳада номзодлик ёки докторлик илмий даражаси учун тадқиқот олиб борган олимларимиз диссертация ишлари доирасида ижро иши юритувига юзланган, унинг аҳамияти ва умумий қоидаларини таъкидлаб ўтган бўлсаларда, соҳа чукур таҳлил қилинмаган, ушбу муносабатларни тартибга солувчи нормаларнинг ўзаро зиддияти ва уларни амалда қўллаш механизмлари, қолаверса ижро иши юритувига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий қилишининг аҳамияти алоҳида тадқиқ этилмаган.

Шунга кўра, мазкур магистрлик диссертация иши мамлакатимизда ижро иши юритувига инновацион ёндашув борасидаги илк тадқиқот ишларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқот обьекти ва предмети. Айни даврда мамлакатимизда суд қарорларининг сўзсиз ижросини таъминлашга қаратилаётган эътибор, яъни унинг одил судлов ва қонун устуворлигини таъминлашнинг хуқуқий демократик давлатда тутган роли, айниқса бу жараёнда инсон хуқуқларини ҳимоя қилиш ва кафолатлаш бўйича амалга оширилаётган илмий тадқиқотларни алоҳида эътироф этиш ўринли бўлади.

Шунга кўра, тадқиқот ишининг обьекти этиб – суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро қилиш жараёнида давлат органлари, ижро иши юритувидаги тарафлар ҳамда бошқа иштирокчилари ўртасидаги муносабатлар белгилаб олинди.

Тадқиқотимизнинг предмети эса ижро иши юритувини ташқилий-хуқуқий жиҳатдан таъминлаш бўйича амалдаги қонунчилигимиздир.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Диссидентант ушбу тадқиқот ишини олиб бориш орқали, унга ижро иши юритувининг самарадорлиги ва соҳадаги сунистеъмолчиликларни бартараф этиш нуқтаи назардан ёндашган ҳолда суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини қисқа муддатларда, сўзсиз ижро қилиш ва бу муносабатларда инсон омилини имкон қадар қисқартириш, давлат ижро чиликларининг бугунги кундаги юқори иш юкламаларини бир қадар енгиллатиш учун қайси жиҳатларга эътибор қаратиш лозим деган саволларга жавоб топишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Мазкур мақсадга эришиш борасидаги вазифалар сифатида куйидагилар белгиланди:

- ижро ҳужжатини ижрога қаратишнинг жорий ҳолати ва бу жараёндаги муаммоларни таҳлил қилиш;

- ижро ҳаракатларини амалга оширишда информацион технологиялардан фойдаланишнинг жорий ҳолати, унинг афзаликлари ва қонун хужжатларига мувофиқлиги;

- суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини ижро қилишда айрим ривожланган хорижий мамлакатлари тажрибаси: қиёсий-хуқуқий таҳлил қилиш;

- ижро хужжатларини электрон шаклда ижрога тақдим этишдаги мавжуд муаммолар таҳлили;

- ундирилган маблағларни тақсимлашнинг жорий ҳолати ва уни янада такомиллаштириш масалалари;

- ижро иши юритувини янада такомиллаштириш ва соҳага замонавий ахборот технологияларини янада кенгроқ жорий қилиш бўйича қонунчиликка тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифларни илгари суриш.

Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи. Диссертант томонидан ўз олдига қўйилган тадқиқот мақсадларини амалга оширишда таҳлилий, мантиқий, диалектик ва қиёсий-хуқуқий методлардан фойдаланилган.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасига кўра тадқиқот ишлари қўйилган вазифага икки турии услубда: сифат (qualitative approach) ҳамда сон (quantitative approach) жиҳатидан ёндашувга асосланган ҳолда амалга оширилишини кузатиш мумкин. Мазкур тадқиқот ишида муаллиф соҳанинг ўзига ҳос ҳусусиятига кўра ҳар икки ёндашувга ҳам юзланган бўлиб, улардан самарали фойдаланишга ҳаракат қилган.

Хусусан, соҳага оид қонунчиликни таҳлил қилишда, жумладан амалдаги қонунчиликдаги оқ доғларни аниқлаш, шунингдек хуқуқни қўллаш амалиётидаги айрим суистеъмолчиликларни келиб чиқиш сабаблари

ва уларга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни ўрганишда масалага сифат жиҳатдан ёндашган.

Ижро иши юритуви амалиётда ўзининг самарадорлиги ва натижадорлигига кўра баҳоланиши, шунингдек соҳада дуч келинаётган муаммолар ҳамда давлат ижрочилари ва соҳага алоқадор шахслар томонидан йўл қўйилаётган камчиликларни таҳлил қилишда аниқ рақамларга асосланганлиги муаллифнинг масалага сон жиҳатдан ёндашганини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот ишининг назарий аҳамияти унинг мамлакатимизда ижро иши юритувига оид қонун хужжатларининг чуқур таҳлили, айнан назария ва амалиётнинг ўзаро уйғунлигидаги муаммолар, амалдаги нормаларининг инсонпарварлик принципларига мувофиқлиги, шунингдек уларнинг социологик жиҳатдан таҳлил қилиш, айрим маҳсус тушунчаларни изоҳлаб беришга йўналтирилганлигига ифодаланади.

Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти эса, суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини ижро этиш самарадорлигини янада ошириш, мазкур муносабатларда тезкорликни таъминлаш ва инсон омилини қисқартиришга қаратилганлигига намоён бўлади.

Диссертация ишининг тузилмаси тавсифи. Диссертация иши жами 5 та параграфдан иборат бўлган қуийдаги 2 бобни ўз ичига олади:

- Ўзбекистон Республикасида суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини ижро этиш тизими
- Суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини ижро қилишга инновацион ёндашув.

I. БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СУД ҲУЖЖАТЛАРИ ВА БОШҚА ОРГАНЛАР ҲУЖЖАТЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШ ТИЗИМИ

1.1. Ижро ҳужжати тушунчаси ва ижро ҳужжатини ижрога қаратиш тартиби.

Ижро ҳужжати тушунчаси, уни ижрога қаратиш ва ижросини таъминлаш тартиби ҳақида сўз юритишдан аввал Ўзбекистон Республикасида суд ва бошқа ваколатли органлар қарорларини ижро этиш тизими, соҳанинг аҳамияти ва долзарблиги, унинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимида тутган ўрни ҳақида қисқача тўхталиб ўтсак.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган чуқур ва изчил ислоҳотлар натижасида янги ижтимоий ва иқтисодий муносабатлар тизимини тартибга соловчи мустаҳкам ҳуқуқий база яратилмоқда.

Қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сони кўпайиб, уларнинг обьекти ҳамда таъсир доирасининг кенгайиши уларни тўлақонли ҳаётга татбиқ этилиши, шунингдек уларнинг сўзсиз ижроси таъминланishiiga боғлиқдир.

Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг мажбурий ижроси тўғри ташкил этилмаслиги мамлакатимизда одил судлов тизимининг обўси ва ушбу ҳокимият фаолиятининг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади. Чунки, ижроси таъминланмаган суд қарорлари тарафлар учун бирор бир юридик аҳамиятга эга бўлмайди ва у оддий бир қоғоздан фарқ қилмайди.

Шундай экан, юридик адабиётларда таъкидланганидек, мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар замирида фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини тўлиқ ҳимоя қилиш ва тиклашдек эзгу ва муқаддас мақсад мужассам экан, бу борадаги вазифаларни тўлақонли амалга ошириш суд ҳужжатларини ижро этишга, бу

жараёнда қонунийликни таъминлашга, амалдаги қонунларни тўғри татбиқ этишга ҳамда суд хужжатларини ижро этиш тартибини белгиловчи қонун хужжатларини замон талабларидан келиб чиқиб такомиллаштиришга кўп жиҳатдан боғлиқдир.²

Ўзбекистон иқтисодий ривожланаётган мамлакатлар сирасига киради. Бу йўлда фақатгина соғлом ички иқтисодий муносабатлар мухим аҳамият касб этибина қолмасдан, иқтисодиётда хорижий инвестициялар иштирокисиз муваффақиятга эришмайди. Мамлакатда қулай ва жозибадор инвестицион мухит қонун устуворлиги билан таъминланади. Бошқа бир мамлакатга инвестиция киритиш истаги бўлган ҳар қандай тадбиркор авваламбор ўша давлатнинг қонунларини ва ўз сармояси ҳимоясининг кафолатини ўрганиб чиқади. Қонун устуворлиги эса юқорида таъкидлаб ўтганимдек, уларнинг сўзсиз ижро қилинишига боғлиқдир. Жамиятимиздаги ҳар қандай ижтимоий муносабатларда шахс ўзининг бузилган ҳукуқларини судда ҳимоя қилиши қонун хужжатлари билан кафолатланади. Бу жараён агар давлатнинг ваколатли органлари томонидан дастлаб суриштирув ёки тергов ҳаракатлари бошланиб, кейинчалик эса судда ўз ечимини топадиган бўлсада унинг ижроси таъминланмагунча шахснинг бузилган ҳукуқлари тикланмайди. Бошқача айтганда, низоли ҳукуқий муносабатларда энг охирги бўғин қарорларни ижро қилиш жараёнидир. Айниқса, иқтисодий муносабатларда тадбиркорлик субъекти ёки ҳар ҳар қандай шахс учун унга етказилган заарар юзасидан ҳукуқбузарга нисбатан кўрилган чора эмас, балки заарнинг ундирилиши мухимдир. Яъни, заарар ундириб берилган тақдирдагина унинг бузилган ҳукуқлари тикланади, бу эса давлатнинг суд қарорларини ижро қилиш учун масъул бўлган органнинг функциясидир.

Ўзбекистон Республикасининг “Суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини мажбурий ижро этиш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, пул

² Қаранг: Мамасиддиқов М.М., Ёдгоров Х.Б., Давлетов Ў.М. Фуқаролик процессуал ҳукуки. Махсус қисм / Дарслик. Масъул мухаррир ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбаев. –Тошкент. “ХТИ” нашриёти. 2018. –305 бет.

маблағларини ундириш тўғрисидаги суд ҳужжатларининг ва бошқа органлар ҳужжатларининг талабларини ижро этиш қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда солиқ органлари, банклар ҳамда бошқа кредит ташкилотлари томонидан амалга оширилади. Шунингдек, суд ҳужжатларининг ва бошқа органлар ҳужжатларининг талаблари жисмоний ёки юридик шахслар томонидан ҳам ижро этилиши мумкин. Бироқ, улар мажбурий ижро органлари ҳисобланмайди.

Дунёning турли мамлакатларида суд қарорларини мажбурий ижро этиш институти, яъни унинг ташкилий жиҳатлари бир-биридан фарқ қиласи. Аксарият мамлакатларда ушбу институт адлия органлари таркибида бўлса, бошқаларида судлар, ички ишлар органлари таркибида, айрим давлатларда эса Ҳукумат таркибидаги алоҳида мустақил орган сифатида фаолият кўрсатади. Ўзбекистон Республикасида эса суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш функцияси давлатнинг маҳсус ваколатли органи – Бош прокуратура хузуридаги Мажбурий ижро бюроси томонидан амалга оширилади.

Шунга кўра, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш борасидаги бугунги кундаги миллий амалиётимизни суд ҳокимиятига ҳам, ижро ҳокмияти тизимига ҳам киритиб бўлмайди.

Бироқ, мустақилликнинг ўтган 30 йили давомида ушбу соҳа давлат ҳокимиятининг мавжуд уч тизимидан иккитасининг таркибида бўлиб улгургани боис Ўзбекистонда ижро иши юритуви шаклланишини шартли равища уч босқичга ажратиш мумкин.

Биринчи босқич бу, собиқ иттифоқ тузуми давридан мерос қолган ва мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки ўн йиллиги давомида, яъни суд ижроилари суд ҳокимияти (судлар) таркибида фаолият кўрсатган давр бўлиб, ушбу давр 2001 йил 29 августда Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилингунига қадар давом этди. Суд ижроилари судьялар

назорати остида бўлиб, суд ижрочиси фақатгина судьянинг кўрсатмаси билан қабул қилинган қарор ижросини таъминлаган.

Ушбу даврда ижро иши юритиш 1963 йилда қабул қилинган Фуқаролик процессуал кодекси ҳамда СССР Адлия Вазирлигининг 1985 йил 15 ноябрдаги 22-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Ижро иши юритиш тўғрисида”ги қўлланма ва Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 1993 йил 28 декабрдаги 57-П-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Ижрони юритиш Қўлланмаси” билан тартибга солинар эди.

Иккинчи босқич, ижро иши юритувини тартибга солишга қаратилган асосий ва бугунги кунга қадар амал қилиб келаётган қонун хужжати, Ўзбекистон Республикасининг “Суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасинининг 2001 йил 22 сентябрдаги 383-сонли қарори билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузурида Судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти сифатида қайта ташкил этилгандан бошланади.

Шу тариқа, суд ижрочилари судлар яъни суд ҳокимияти таркибидан чиқарилиб, ижро этувчи ҳокимият таркибига киритилди.

Суд ижроцининг мақоми белгилаб берилиб, ўрта маҳсус (юридик) ёки олий (юридик) маълумотга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси суд ижрочиси бўлиши мумкинлиги, қоида тариқасида, олий юридик маълумотга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси катта суд ижрочиси бўлиши Қонун билан мустаҳкамланди.

Шунингдек, Қонунга мувофик, суд ижрочиси ҳокимият вакили хисобланади ва суд ижрочиларига қонун хужжатларида белгиланган тартибда

адлия органлари ходимларининг мансаб даражалари берилиши белгилаб қўйилди³.

Миллий қонунчилигимизда ижро иши юритишга оид муносабатларни тартибга солишга қаратилган ва бугунги кунга қадар амал қилиб келинаётган ҳуқуқни қўллаш тартиб таомилларининг асоси ушбу даврда ўз аксини топганини алоҳида қайд этишимиз лозим.

Учинчи босқич, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг мажбурий ижросини таъминлаш бўйича маҳсус ваколатли орган Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси таркибига киритилгандан эътиборан бошланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ прокуратура Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширувчи орган бўлсада Бюро зиммасига юклатилган вазифа ва функцияларга қарамасдан унинг мазкур орган тизимиға киритилгани бугунги кунда дунёдаги жуда кам учратиладиган, айтиш мумкинки ягона амалиётдир. Бундай қарорга келинишига соҳадаги бир қатор жиддий камчиликлар сабаб бўлган эди. Жумладан, амалдаги ундирув кўрсаткичининг 2016 йилда атиги 45 фоизни ташкил этган бўлиб, бу сўнгги ўн йилликда қайд этилган энг паст кўрсаткич демакдир. Олдинги йилларда ундирувлар 55-70 фоизни ташкил этган. Бундан ташқари, идоралараро ҳамкорлик ва фаолиятга замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишнинг паст даражадалиги ижро ҳужжатлари ҳисоби юритилишида ҳаққонийликни таъминлашга, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг сўзсиз ижро этилишига салбий таъсир кўрсатган. Шунингдек, соҳанинг айrim мансабдор шахслари томонидан содир этилган қонун бузишлар ва коррупцион ҳаракатлар тизимда қонунийликни ва ижро

³ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – Тошкент, 2001, 9–10-сон, 169-модда.

интизомини мустаҳкамлашдаги камчиликлар оқибатида келиб чиққанини кўрсатади.

Ўзбекистонда прокуратура органларининг узоқ йиллар давомида орттирилган тажриба асосида йўлга қўйилган ўзига ҳос ижро интизоми ва назорат функцияси мавжуд. Бундай тартиб юклатилган ҳар бир вазифага алоҳида масъулият билан ёндашиш ва унинг ижросини аниқ бажарилишини таъминланиши билан бошқа давлат органларидан ажралиб туради. Бюронинг айнан ушбу орган таркибида қайта ташкил этилишининг сабаби ҳам шунда бўлиб, ушбу қарор ижро органининг жамиятдаги ўрни ва ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимидағи мавқеини янада мустаҳкамлади. Соҳада ахборот технологиялари воситалари кенг жорий қилинишига эришилмоқда. Электрон ҳужжат айламашинуви йўлга қўйилиб, ижро ҳужжатлари ҳисоби юритилишида ҳаққонийликни таъминлашга эришилди.

Асосийси шуки, шахснинг бузилган ҳукуқи юзасидан даъво қилиш, судда унинг ҳукуқини ҳимоя қилиш ва қабул қилинадиган қарорнинг ижросини таъминлашнинг комплекс тизими яратилди.

Ушбу даврда муқаддам Ўзбекистон Республикасининг ҳукуқ тизимида юритилиб келинган “суд ижрочиси” тушунчаси “давлат ижрочиси” атамаси билан алмаштирилиб, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш Бюронинг давлат ижрочилари зиммасига юклатилди.

Давлат ижрочиси – фуқаролик, иқтисодий, маъмурий суд қарорлари ва бошқа органлар ҳужжатларини, шунингдек жиноят ишлари бўйича суд ҳужжатларининг мулкий ундиришга оид қисмини ижро қилишга масъул ҳокимият вакилидир.

Бюронинг даражали унвонга эга бўлган давлат ижрочилари хизмат вазифаларини бажариш даврида прокуратура органлари ходимлари учун

тасдиқланган намунадаги алоҳида белгили хизмат кийими кийиб юриши белгилаб қўйилган⁴.

Ҳозирда Бюронинг ташкилий тузилмаси Марказий аппарат, худудий бошқармалар (ҚҚР, вилоятлар ва Тошкент ш.), туман (шаҳар) бўлимларидан иборатdir. Бундан ташқари, ҳар бир худудий бошқармага бўйсунувчи туманлараро бўлимлар фаолият кўрсатади.

Бюронинг марказий аппаратида Бюро директори (бош давлат ижроиси), унинг ўринbosари - суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш бошқармаси бошлиғи ҳамда ушбу бошқарма ходимларида ижро ҳужжатларини ижро қилиш ваколати мавжуд бўлиб, улар давлат ижроиси статусига эгадирлар.

Ушбу бошқарма қўйидаги бўлимлардан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири тегишли йўналишлардаги ижро ҳужжатларининг ижросини ташкил этади, мувофиқлаштириб боради ва бевосита ижросини таъминлайди, яъни ижро қиласи:

- Жиноят ишлари бўйича ва маъмурий судлар ҳужжатларини ижро этиш бўлими;
- Иқтисодий судлар ҳужжатларини ижро этиш бўлими;
- Фуқаролик ишлари бўйича судлар ҳужжатларини ижро этиш бўлими;
- Ички ишлар, солиқ ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш бўлими;
- Алоҳида муҳим ижро ишларни ижро этиш бўлими.

Худудий бошқармаларда ҳам бошқарма бошлиғи, унинг ўринbosари - суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш бўлими бошлиғи ҳамда ушбу бўлим ходимлари ижро ҳужжатларини ижро қилиш ваколатига эгадирлар.

⁴ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 22-сон, 425-модда, 25-сон, 531-модда

Бюронинг туман (шахар)ларида бошлиқ, унинг ўринбосари ва давлат ижрочилари, туманлараро бўлимларда эса бошлиқ ва давлат ижрочилари ижро хужжатларини ижро қилишга масъулдилар.

Кўриб турганимиздек, “давлат ижрочиси” лавозими фақатгина Бюронинг туман (шахар) ва туманлараро бўлимларида мавжуд бўлишига қарамасдан, вилоят ва марказий аппаратда ҳам давлат ижрочиси статусига эга бўлган ходимлар фаолият кўрсатади ҳамда улар томонидан бевосита ижро ҳаракатлари амалга оширилади.

Ижро хужжати бу, амалдаги қонунчиликка мувофиқ ижро иши юритишни бошлаш, яъни ижро иши юритишни қўзғатиш учун асос бўладиган, ваколатли органлар ёки мансабдор шахслар томонидан тақдим этиладиган, ўзида ижро қилиниши лозим бўлган ҳаракатнинг мазмуни аниқ баён этилган хужжатдир.

Ижро этилиши лозим бўлган суд хужжатлари ва бошқа органларнинг хужжатлари Ўзбекистон Республикасининг “Суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунининг бешинчи ва еттинчи моддаларида аниқ баён этилган.

Аксарият амалиётчилар, соҳа мутахассислари ҳамда айrim олимлар томонидан қонуннинг ушбу икки моддаси бир-бирини тақорловчи деб ҳисоблаб, ижро этилиши лозим бўлган хужжатлар ҳамда ижро хужжатлари тушунчасини фарқлай олишмайди.

Аслида ижро этилиши лозим бўлган ҳужжат ҳамда ижро хужжати тушунчалари бир-биридан фарқ қиласди.

Биз ушбу тушунчаларнинг бир-биридан фарқи нимада эканини қуидагича изоҳлаб беришга ҳаракат қиласмиш.

Мазкур қонуннинг 5-моддасига мувофиқ, қуидаги хужжатлар ижро этилиши лозим:

- фуқаролик ишлари ва иқтисодий низолар бўйича судларнинг ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорлари;

- жиноят ишлари бўйича судларнинг ҳукмлари, ажримлари ва қарорларининг мулкий ундиришга оид қисми, шунингдек жарима тариқасидаги жазони назарда тутувчи ҳукмлари, ажримлари ва қарорлари;
- маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича суд қарорларининг мулкий ундиришга оид қисми;
- алиментлар тўлаш тўғрисидаги нотариал тарзда тасдиқланган келишувлар;
- нотариусларнинг ижро хатлари;
- меҳнат низолари комиссияларининг қарорлари;
- маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиши ваколатига эга органлар (мансадбор шахслар) чиқарган қарорлар;
- ҳакамлик судининг қарорлари;
- Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ёки халқаро шартномасида назарда тутилган ҳолларда чет эл судлари ва арбитражларининг қарорлари;
- ўзбошимчалик билан турар жойни эгаллаб олган ёки авария ҳолатида деб топилган уйларда яшаётган шахсларни маъмурий тартибда кўчириш тўғрисидаги прокурорларнинг қарорлари;
- давлат ижрочиларининг Қонунда назарда тутилган ҳоллардаги қарорлари;
- қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа органларнинг ҳужжатлари.

Шу Қонуннинг 7-моддасида эса:

- судлар ўзлари қабул қиласидиган суд ҳужжатлари асосида берадиган ижро варақалари;
- ҳакамлик судининг қарорларини мажбурий ижро этиш юзасидан судлар берадиган ижро варақалари;
- чет эл судлари ва арбитражлари қарорлари асосида Ўзбекистон Республикаси судлари берадиган ижро варақалари;

- суд буйруқлари;
- алиментлар тўлаш тўғрисидаги нотариал тарзда тасдиқланган келишувлар;
- нотариусларнинг ижро хатлари;
- меҳнат низолари комиссиялари ўз қарорлари асосида берадиган гувоҳномалар;
- маъмурий ҳукуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга органлар (мансабдор шахслар) чиқарган қарорлар;
- ўзбошимчалик билан тураг жойни эгаллаб олган ёки авария ҳолатида деб топилган уйларда яшаётган шахсларни маъмурий тартибда кўчириш тўғрисидаги прокурорларнинг қарорлари;
- давлат ижрочиларининг қарорлари;
- қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа органларнинг ҳужжатлари ижро ҳужжатлари эканлиги белгилаб қўйилган.

Ижро ҳужжатининг асл нусхаси йўқолган тақдирда, қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг дубликати ундирув учун асос бўлади.

У.Тухташева ижро ҳужжатларини икки хил турга ажратади.

Биринчиси, мустақил ҳужжат бўлиб, ижро асоси бўлган ҳужжатни ўзида акс эттиради ва мустақил ҳукуқий аҳамиятга эга бўлади. Ушбу турдаги ижро ҳужжатларига қуидагиларни киритади:

- судлар ўzlари қабул қиласидиган суд ҳужжатлари асосида берадиган ижро варақалари;
- ҳакамлик судининг қарорларини мажбурий ижро этиш юзасидан судлар берадиган ижро варақалари;
- чет эл судлари ва арбитражлари қарорлари асосида Ўзбекистон Республикаси судлари берадиган ижро варақалари.

Иккинчи хил турдаги ижро ҳужжатлари ижро асосларини ўзида акс эттирувчи ҳужжатнинг ўзи бўлиб, у бир вақтнинг ўзида ижро ҳужжати

хисобланади. Улар бўйича мустақил ижро ҳужжати ёзиш талаб этилмайди.

Ушбу турдаги ҳужжатларга қуидагиларни киритади:

- суд буйруқлари;
- алиментлар тўлаш тўғрисидаги нотариал тарзда тасдиқланган келишувлар;
- нотариусларнинг ижро хатлари;
- меҳнат низолари комиссиялари ўз қарорлари асосида берадиган гувоҳномалар;
- маъмурий хукуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга органлар (мансабдор шахслар) чиқарган қарорлар;
- ўзбошимчалик билан турар жойни эгаллаб олган ёки авария ҳолатида деб топилган уйларда яшаётган шахсларни маъмурий тартибда кўчириш тўғрисидаги прокурорларнинг қарорлари;
- давлат ижрочиларининг қарорлари;
- қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа органларнинг ҳужжатлари⁵.

Фикримизча, олимнинг ушбу қарашини хукуқий жиҳатдан асоссиз ёки нотўғри деб бўлмайди, бироқ Қонуннинг 5 ва 7-моддалари айrim бандларида баён этилган ижро этилиши лозим бўлган ҳужжатлар ҳамда ижро ҳужжатларини қуидаги тартибда изоҳлаб берсак янада тушунарли ҳамда ушбу нормалар мақсадини аниқ ёритиб берган бўламиз.

Хусусан, судларнинг ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорлари, жиноят ишлари бўйича суд ҳукмининг ҳамда маъмурий судларнинг суд қарорларининг мулкий ундиришга оид қисми, шунингдек жиноят ишлари бўйича суднинг жарима тариқасидаги жазони назарда тутувчи ҳукмлари, ажримлари ва қарорлари сўзсиз ижро қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар хисобланади.

⁵ Тухташева У.А. Ижро иши юритиш. Дарслик. –Тошкент. ТДЮИ кичик босмахонаси. 2008. -45 б.

Бироқ, ушбу ҳужжатлар уларнинг ижросини таъминлаш учун ижро иши юритишни қўзғатиши тўғрисида қарор чиқаришга асос бўлмайди. Бунинг учун эса, ўзида ижро қилиниши лозим бўлган ҳаракатнинг мазмуни аниқ баён этилган, алоҳида содда ҳужжат, яъни ижро варақаси талаб этилади.

Жиноят, фуқаролик ва иқтисодий процессуал ҳамда маъмурий иш юритувига оид қонунчиликка кўра қабул қилинадиган якуний ҳужжатда, ушбу ҳужжат ҳукм, ҳал қилув қарори ёки қарор бўлишидан қатъи назар асослантирувчи ва хуқуқбузарлик фактини тасдиқловчи баён қисми акс эттирилиши лозим.

Ижро иши юритувига оид муносабатларда ижро ҳужжати берилишига сабаб бўладиган омиллар муҳокама қилинмайди ва ижро варақасида фақатгина ижро қилиниши лозим бўлган ҳаракат кўрсатилади ҳолос. Айрим ҳолларда юқорида баён этилган процессуал ҳужжатларнинг нусҳаси ижро варақасига илова қилиниши мумкин.

Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси (кейинги ўринларда ФПК деб юритилади)нинг 448-моддасига мувофик, ижро варақаси ундирувчига берилади ёки суд ҳужжати қонуний кучга киргандан сўнг беш кун ичida ундирувчининг илтимосномасига кўра давлат ижочисига ижро этиш учун юборилади, суд ҳужжати чиқарилиши биланоқ ижро варақаси берилади, дарҳол ижро этиладиган ҳоллар бундан мустасно. Дарҳол ижро этиладиган ижро ҳужжатлари ҳақида кейинрок, қуйида батафсил тўхталиб ўтамиз.

Шунингдек, меҳнат низолари комиссияларининг қарорлари ижро этилиши лозим бўлсада, унинг ижросини таъминлаш учун уларнинг қарори асосида берадиган гувоҳномалари ижро ҳужжати ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида йилдан-йилга ўсиб бораётган ижтимоий хуқуқий муносабатлар ҳамда изчил суратлар билан ривожланиб бораётган тадбиркорлик муносабатлари ўртасида вужудга келаётган низоларни яна бир

институт - ҳакамлик судлари томонидан кўриб, ҳал этиш амалиётини тобора кенг тус олиб боришига омил бўлмоқда.

Бироқ, мазкур судлар томонидан кўриб чиқилган ишлар натижаси бўйича бериладиган ҳал қилув қарорлари уларни мажбурий тартибда ижро этиш учун давлат ижрочилари томонидан қабул қилинишига асос ҳисобланмайди. Амалиётда айнан ушбу ҳолат тарафларнинг мажбурий ижро органига нисбатан эътиrozларига сабаб бўлиши мумкин.

Шунга кўра, ҳакамлик судлари томонидан ҳал қилинган низолар ижросини таъминлашнинг қуидаги тартибини аниқ тушунтириб беришимиз лозим.

Ўзбекистон Республикасининг “Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ ҳакамлик судлари фуқаролик ҳукуқий муносабатларидан келиб чиқувчи низоларни, шу жумладан тадбиркорлик субъектлари ўртасида вужудга келувчи иқтисодий низоларни ҳал этади.

Агар ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ушбу қарорда белгиланган муддатда ихтиёрий ижро этилмаган бўлса, у мажбурий ижро этилиши керак. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, ваколатли суд берган ижро варақаси асосида амалга оширилади.

Ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ҳакамлик муҳокамаси тарафларидан қайси бирининг фойдасига чиқарилган бўлса, ўша тараф томонидан ваколатли судга берилади.

Ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза ҳакамлик суди ҳал қилув қарорини ихтиёрий ижро этиш муддати тугаган қундан эътиборан олти ойдан кечиктирмай берилиши мумкин. Мазкур муддат ваколатли суд томонидан

узрли деб топилган сабабларга кўра ўтказиб юборилган тақдирда, ўтказиб юборилган муддат тикланиши мумкин⁶.

Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси “Суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунининг 7-моддасига кўра ҳакамлик судининг қарорларини мажбурий ижро этиш юзасидан фуқаролик ёки иқтисодий судлар берадиган ижро варақалари ижро хужжати ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатлари ёки ҳалқаро шартномасида назарда тутилган ҳолларда чет эл судлари ва арбитражларининг қарорларини ижро қилишда ҳам Ўзбекистон Республикаси судлари берадиган ижро варақалари талаб этилади.

Баён этилганларга кўра, мазкур қонуннинг бешинчи ва еттинчи моддалари бир-бирини тақорловчи моддалар деган хulosага келиш ва ижро этилиши лозим бўлган хужжатлар ҳамда ижро хужжатлари тушунчасини бирлаштириш, фикримизча нотўғри ҳисобланади.

Ўтган давр мобайнида ушбу моддаларни ижро иши юритувига татбиқ қилиш амалиёти уларни янада қайта кўриб чиқиш ҳамда янада тақомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Хусусан, Ю.М.Ходжиев ўз тадқиқот ишида Ўзбекистон Республикаси “Суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунининг 5 ва 7-моддаларидан “ўзбошимчалик билан турар жойни эгаллаб олган ёки авария ҳолатида деб топилган уйларда яшаётган шахсларни маъмурӣ тартибда кўчириш тўғрисидаги прокурорларнинг қарорлари” деган бандни чиқариб ташлашни таклиф этади ва буни шундай асослаб беради: Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг 70-моддаси 3-бандидаги ҳуқуқий нормани амалга ошириш прокурорнинг қарори билан эмас, балки

⁶ Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2006 й., 42-сон, 416-модда; 2014 й., 20-сон, 222-модда; 2017 й., 37-сон, 978-модда; Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.01.2018 й., 03/18/463/0634-сон; 21.03.2019 й., 03/19/531/2799-сон

суднинг ҳал қилув қарори билан амалга оширилса тўғри бўлар эди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳар бир шахс яшаш ҳуқуқига эга эканлиги кўрсатиб ўтилган. Шу нуқтаи назардан, тураг жой ўзбошимчалик билан эгалланиши ёки авария ҳолатига келиши суд томонидан исботини топмоғи лозим. Тураг жойларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олган ёки авария ҳолатида деб топилган уйларда яшаётган шахслар прокурор санкцияси асосида эмас, балки суднинг қонуний асослантирилган қарори асосида кўчирилади, деб кўрсатиб ўтиш керак⁷.

Биз ушбу таклифни қисман қувватлаган ҳолда, уни қуйидагича амалга оширишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Тураг жойни ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш аксарият ҳолларда амалиётда қуйидаги:

- эгалик қилиш, фойдаланиш ёки яшаш ҳуқуқи бўлмаган шахсларни бошқа бир шахсга тегишли бўлган уй-жойнинг бир қисмига зўрлик ишлатиш йўли билан кириб олиш;
- эгалик ҳуқуқи бошқа шахсга тегишли бўлган бўш турган тураг жойга ўзбошимчалик билан кириб олиш;
- суднинг қарорига асосан эгасиз деб топилган тураг жойга ўзбошимчалик билан кириб олиш каби кўринишларда кузатилади.

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг 70-моддасида берилган нормалар ҳам бир-бирини инкор этади десак муболаға қилмаймиз. Хусусан, мазкур моддаданинг иккинчи қисмида кўчириш суд тартибида амалга оширилиши белгиланган бўлса, учинчи қисмида эса тураг жойларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олган шахслар прокурор санкцияси асосида маъмурий тартибда кўчирилиши назарда тутилган.

Ушбу модданинг тўртинчи қисмида эса маъмурий тартибда кўчириш тўғрисидаги прокурор қарори устидан суд тартибида шикоят қилиниши

⁷ Ходжиев Ю.М. Суд қарорларини мажбурий ижро этиш шартлари ва тартиби. Юридик фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. Автореферат. – Тошкент, “Akadem-Xizmat”. 2008, 12-б.

мумкинлиги белгилангани аслида ушбу масала бўйича якуний хулоса суд томонидан қабул қилиниши мумкинлигини англаатади.

Кодекс билан белгиланган ушбу тартиб ортиқча процессуал ҳаракатлар амалга оширилиши, яъни маъмурий қўчириш тўғрисидаги прокурорнинг қарори масаланинг узил кесил ечимини ҳал қилмасада, унинг фуқаролик хуқуқий муносабатларига аралашувини назарда тутади.

Шунингдек, бу каби турар жой билан боғлик муносабатлар аксарият ҳолларда низоли ишлар бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий судиplenumining 2001 йил 14 сентябрдаги “Уй-жой низолари бўйича суд амалиёти ҳақида” 22-сонли қарорига қўра мулкдор, унинг оила аъзолари, ижарачи ва унинг оила аъзолари ўргасида уй-жой масаласида келиб чиқсан низолар (уйга киритиш, уй-жойдан фойдаланиш хуқуқини йўқотган деб топиш, уйдан қўчириб чиқариш) суд тартибида ҳал қилинади.

Мұхокама қилинаётган норманинг иккинчи қисми, яъни авария ҳолатида деб топилган уйларда яшаётган шахсларни маъмурий тартибда қўчириш масаласини прокурорлар томонидан ҳал этилиши, фикримизча қўйидаги асосларга қўра мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ти Қонунига мувофиқ прокуратура органларининг асосий вазифалари қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг хуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, хукуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборатdir.

Авария ҳолатида деб топилган уйларда яшаётган шахсларни маъмурий тартибда қўчириш, авваламбор ушбу уйда яшаётган фуқаронинг манфаатида бўлиб, прокурорнинг ушбу мазмундаги қарори унинг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилишга қаратилган бўлади.

Қолаверса, турар жойни авария ҳолатида деб топиш тўғрисидаги прокурорнинг қарори тегишли ваколатли давлат органлари томонидан бериладиган хулоса, шунингдек белгиланган тартибда ўтказиладиган экспертизалар натижасига асосланган ҳолда қабул қилинади.

Мазкур масалани суд томонидан ҳал қилиниши жараёнида ҳам айнан юқорида айтиб ўтилган ҳужжатларга асосланилади, лекин ишни судда кўришга тайёрлаш, суд муҳокамаси ва қабул қилинган қарорни ижрога қаратиш билан боғлиқ процессуал муддатлар масалани тезкорлик билан ҳал этилиши ҳамда фуқароларнинг ҳаёти ва соғлигини ўз вақтида муҳофаза қилинишига салбий таъсир кўрсатади. Шу нуқтаи-назардан қонунчиликда ўзбошимчалик билан турар жойни эгаллаб олган уйларда яшаётган шахсларни маъмурӣ тартибда кўчириш тўғрисидаги прокурорларнинг қарорларини ижро ҳужжатлари сирасидан чиқариб ташлаш мақсадга мувофиқ бўлади деган фикрдамиз.

Яна бир муҳим ҳолат, ушбу моддаларда қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа органларнинг ҳужжатлари ижро қилиниши лозим бўлган ижро ҳужжатлари эканлиги ҳақида умумий норма киритилган бўлиб, ушбу бандни амалиётга қўллашда вужудга келаётган айрим муаммолар ҳақида сўз юритамиз.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига мувофиқ, давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг қонунга хилоф қарорлари натижасида фуқарога ёки юридик шахсга етказилган зарар, улар мансабдор шахсларининг айбидан қатъи назар, суднинг қарори асосида қопланиши лозим.

Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи айбисиз деб топилиб, реабилитация этилган, яъни унга нисбатан чиқарилган оқлов ҳукмида ёки ишни тугатиш ҳақидаги ажримда (қарорда) суд, ишни тугатиш тўғрисидаги қарорда эса суриштирувчи, терговчи, прокурор реабилитация этилган шахснинг ўзига

етказилган мулкий зиённи ундириб олиш хукуқини эътироф этишлари лозимлиги, мулкий зиённинг миқдори ҳисоблаб чиқарилганидан кейин бу зиённи қоплаш учун пул тўловларини амалга ошириш тўғрисида суд ажрим, суриштирувчи, терговчи ёки прокурор қарор чиқариши ва тўловни амалга ошириши лозим бўлган органларга тақдим этилиши назарда тутилган.

Айнан ушбу мулкий зиённи давлат бюджетидан ундириш тўғрисидаги қарор, яъни ижро ҳужжатининг ижросини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 13 майдаги 120-сонли қарори билан тасдиқланган “Ижро ҳужжатлари бўйича ундирувни Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағларига ва бюджет ташкилотларининг молиявий мажбуриятларига қаратиш тартиби тўғрисида”ги низомга мувофиқ молия органлари томонидан тегишли бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши белгилаб қўйилган.

Бироқ, суриштирувчи, терговчи ёки прокурорнинг ушбу мазмундаги қарори Ўзбекистон Республикаси “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунининг 5 ва 7-моддаларида ижро ҳужжати экани сифатида аниқ баён этилмагани сабабли уларнинг ижросини таъминлашда молия органларида тушунмовчиликларга сабаб бўлиши, бунинг оқибатида реабилитация қилинган фуқароларга мулкий зиённи тўлаб бериш жараёни сансалорликка солиниши мумкин.

Ижро ҳужжатларини ижрога қаратиш, уларнинг ижросини таъминлаш ва улар бўйича ижро иши юритишни қўзгатиш учун ушбу ҳужжатлар авваламбор, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ва унда тарафлар тўғрисидаги барча зарурий маълумотлар акс эттирилиши талаб этилади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунининг 8-моддасида ижро ҳужжатига қўйиладиган талаблар белгилаб қўйилган бўлиб, улар куйидагилардан иборатdir:

- ижро ҳужжатини берган суд ёки бошқа органнинг номи;

- ижро ҳужжатининг қайси иш бўйича берилганлиги ва унинг тартиб рақами;
- ижро этилиши шарт бўлган суд ҳужжати ёки бошқа орган ҳужжати қабул қилинган сана;
- ундирувчи ва қарздорнинг номи, уларнинг манзиллари; жисмоний шахслар учун — қарздорнинг туғилган санаси ва жойи, иш жойи;
- суд ҳужжати ёки бошқа орган ҳужжатининг қарор қисми;
- суд ҳужжати ёки бошқа орган ҳужжати кучга кирган сана;
- ижро ҳужжати берилган сана ва уни ижроти топшириш муддати.

Суд ҳужжати асосида берилган ижро ҳужжати судья томонидан имзоланади ва суднинг гербли муҳри билан тасдиқланади.

Бошқа органинг ҳужжати асосида берилган ижро ҳужжати мазкур ҳужжатни қабул қилган органнинг ваколатли мансабдор шахси томонидан имзоланади ва тегишли органнинг муҳри билан тасдиқланади.

Ижро варақаси, суд ҳужжатлари бўйича судьянинг ёки бошқа ваколатли органлар қарорлари бўйича улар мансабдор шахсининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган электрон ҳужжат тарзида ахборот тизими орқали тақдим этилиши мумкин.

Турли суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари асосида бериладиган ижро ҳужжатларининг мазмуни ўзига ҳос хусусиятларга эга бўлиши мумкин. Бироқ, ижро варақаси суд ҳужжатининг қарор қисмига сўзмасўз монанд бўлиши ва ундирувчи ҳамда қарздорга оид тўлиқ маълумотлар (фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, манзили, юридик шахсларга нисбатан эса унинг аниқ номланиши)ни ўзида акс эттирган бўлиши шарт.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси (кейинги ўринларда ИПК деб юритилади)га мувофиқ, иқтисодий судлар томонидан бериладиган ижро варақасида юқорида санаб ўтилганларга қўшимча равишда:

- ундирувчи ва қарздорнинг номи (фамилияси, исми, отасининг исми), уларнинг жойлашган ери (почта манзили) ёки яшаш жойи;

- шунингдек ижро варақасини ижро этиш тартиби ва усули (агар бу ҳақда суд хужжатида кўрсатилган бўлса) мавжуд бўлиши керак.

Шунингдек, ИПКга мувофиқ суд буйруқларига қўйиладиган талаблар ҳам ФПКдаги талабларга нисбатан фарқ қиласи.

Чунонан, ИПКга кўра суд буйругининг мазмуни куйидагилардан иборат бўлиши лозим:

- суднинг номи, жойлашган ери ва буйруқ берилган сана;
- ишнинг рақами, судьянинг фамилияси, исм-шарифининг бош ҳарфлари, талаб нима ҳақдалиги;
- кредиторнинг, қарздорнинг номи (фамилияси, исми, отасининг исми), уларнинг жойлашган ери (почта манзили) ёки яшаш жойи;
- ундирилиши лозим бўлган пул суммасининг миқдори ёки талаб қилиб олиниши лозим бўлган мол-мулк унинг қийматини кўрсатган ҳолда;
- ундирилаётган қарз ҳосил бўлган давр;
- неустойка, агар у тўланиши лозим бўлса ва қарздор томонидан тан олинган бўлса;
- ундирилиши лозим бўлган давлат божининг ва почта харажатларининг суммаси⁸.

Ўзбекистон Республикасининг ФПКга мувофиқ эса суд буйруқларига қўйидаги талаблар қўйилган:

- иш юритишнинг тартиб рақами ва буйруқ берилган сана;
- суднинг номи, буйруқ берган судьянинг фамилияси, исми ва отасининг исми;
- ундирувчининг фамилияси, исми, отасининг исми (номи), яшаш жойи ёки жойлашган ери (почта манзили);

⁸ Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси. 145-модда.
<http://lex.uz/docs/3523891#3535248>

- қарздорнинг фамилияси, исми, отасининг исми (номи), яшаш жойи ёки жойлашган ери (почта манзили);
- талабни қаноалантириш учун асос бўлган қонун;
- ундирилиши керак бўлган пул суммаларининг миқдори ёки талаб қилиб олиниши керак бўлган кўчар мол-мулкнинг қиймати ҳам кўрсатилган ҳолдаги белгиси;
- ундирилаётган қарздорлик вужудга келган давр;
- неустойка миқдори, агар унинг ундирилиши қонунда ёки шартномада назарда тутилган бўлса;
- қарздордан ундирилиши керак бўлган давлат божининг суммаси;
- арз қилинган талабга қарши қарздор томонидан эътиroz тақдим этиш муддати ва тартиби.

Вояга етмаган болалар учун алиментлар ундириш тўғрисидаги суд буйруғида қарздорнинг туғилган санаси ва жойи, таъминоти учун алимент ундирилиши лозим бўлган ҳар бир боланинг исми ва туғилган санаси, қарздордан ҳар ойда ундириладиган тўловлар миқдори ҳамда уларни ундириш муддати ҳам албатта қайд этилиши лозим бўлади⁹.

Шунингдек, ижро хужжати ҳисобланган алиментлар тўлаш тўғрисидаги келишувга қўйиладиган талаблар Ўзбекистон Республикаси Оила кодексида белгилаб берилган бўлиб, унга кўра келишувда алимент миқдори, шартлари ва тўлаш тартиби кўрсатилиши лозим.

Келишувда ҳам қарздорнинг фамилияси, исми, отасининг исми, қарздорнинг туғилган санаси, яшаш жойи ва таъминоти учун алимент ундирилиши лозим бўлган ҳар бир боланинг исми ва туғилган санаси кўрсатилиши талаб этилади. Мазкур келишув нотариал тартибда тасдиқлангандан кейингина ижро варақаси қучига эга бўлади.

⁹ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. 178-модда.
<http://lex.uz/docs/3517337#3526665>

Юқорида баён этилганидек, фуқаролик ва иқтисодий процессуал қонунчилик ҳамда оила қонунчилиги ўз хусусияти ва мазмунига кўра айрим тоифадаги ишлар бўйича ижро ҳужжатларида баён этилиши лозим бўлган айрим маълумотлар бўлиши лозимлигини назарда тутсада, ушбу маълумотларни ижро амалдаги қонунчиликда ижро ҳужжатига қўйиладиган талабларда тўлиқ акс этмаганини кўришимиз мумкин. Ушбу маълумотлар эса мазкур турдаги ҳужжатларни сўзсиз, уларни берган органлардан қўшимча тушунтириш сўрамаган ҳолда ижро қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Шундан келиб чиқсан ҳолда, ижро ҳужжатларига қўйиладиган талабларга айрим ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши, хусусан қарздор ва ундирувчи ҳақида маълумотлар янада батафсил баён этилиши, айрим турдаги, мисол учун солиқ ва коммунал қарздорлик учун қарздорлик вужудга келган давр, олиб қўйилиши лозим бўлган бола ҳақида батафсил маълумот ҳамда алиментлар ундириш тўғрисидаги ижро варақасида таъминоти учун алимент ундирилиши лозим бўлган ҳар бир бола ҳамда унга ундириб бериладиган сумма ҳақида янада кенгроқ маълумотни, ҳар бир ижро ҳужжати бўйича ижро этишнинг усули ва тартибини аниқ белгилашни назарда тутувчи маълумотларни киритиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Шунингдек, амалдаги Ўзбекистон Республикаси “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ти Қонунининг 27-моддасида ижро ҳужжатларини ижрога топшириш муддатлари, яъни:

- умумий юрисдикция судларининг суд ҳужжатлари асосида бериладиган ижро варақалари уч йил мобайнида, иқтисодий судларнинг суд ҳужжатлари эса — олти ой мобайнида;

- ҳакамлик судининг қарорларини мажбурий ижро этиш тўғрисидаги суд ҳужжатлари асосида бериладиган ижро варақалари — олти ой мобайнида;

- нотариусларнинг ижро хатлари — уч йил мобайнида;

- меҳнат низолари комиссияларининг гувоҳномалари — уч ой мобайнида;

- ишларни маъмурий тартибда кўриш ваколатига эга органларнинг (мансадбор шахсларнинг) қарорлари — уч ой мобайнида ижрога топширилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Ижрога топшириш муддати ўтказиб юборилган ижро ҳужжатини давлат ижрочиси иш юритиш учун қабул қиласдан, бу ҳақда тегишли қарор чиқаради.

Фақатгина ижро варақаси ёки суд буйрганини ижрога топшириш муддатини ўтказиб юборган ундирувчи ушбу ҳужжатни қабул қилган судга ёки бу ҳужжат ижро этиладиган жойдаги судга ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилишга ҳақлидир. Ижрога топшириш муддати ўтказиб юборилган ижро ҳужжатининг муддати тегишли суд томонидан тикланган тақдирда ушбу ижро ҳужжати давлат ижрочиси томонидан умумий тартибда ижро қилиниши лозим.

Бошқа органлар ёки ваколатли мансабдор шахслар томонидан бериладиган ижро ҳужжатлари бўйича ўтказиб юборилган муддатлар тикланмайди.

Қонунчиликка киритилган сўнгги ўзгартишлар ҳамда ИПКга мувофиқ ушбу нормага ҳам тегишли ўзгартиш киритилиши лозим бўлади.

Хусусан, мазкур Кодекснинг 338-моддасига мувофиқ ижро варақаси суд ҳужжати қонуний кучга кирган кундан эътиборан ёки суд ҳужжатининг ижроси кечиктирилган ёки бўлиб-бўлиб ижро этилган тақдирда, муддат тугаган кундан эътиборан уч йил ичida ижрога тақдим этилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Бунда, агар суд ҳужжатининг ижроси тўхтатиб қўйилган бўлса, унинг ижроси тўхтатиб қўйилган вақт ижро варақасини ижрога тақдим этиш учун белгиланган муддатга қўшиб ҳисобланмайди.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ишларни юритиш тартиби ушбу ИПКнинг 29-бобида белгилаб қўйилган бўлиб, унга кўра ҳакамлик судлари қарорининг

муҳокамаси ва ушбу қарор юзасидан ижро варақа бериш масаласи алоҳида суд мажлисида кўриб чиқилади.

Иқтисодий суд ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш натижалари бўйича ажрим чиқаради.

Демакки, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини ижрога қаратиш тўғрисидаги ажрим ҳам иқтисодий суд томонидан қабул қилинган хужжат бўлиб, ушбу ажрим бўйича бериладиган ижро варақаси иқтисодий суд томонидан кўриб чиқиладиган ишлар бўйича бериладиган ижро варақадан фарқ қилмайди. Шунга кўра, ҳакамлик судларининг қарорларини ижрога қаратиш муддатини ҳам бошқа судлар томонидан бериладиган ижро хужжатини ижрога қаратиш муддати билан тенглаштириш мақсадга мувофиқ саналади.

Ижро иши юритувида ижро хужжатини ижрога топшириш муддати узилиши назарда тутилган бўлиб, ушбу норма Ўзбекистон Республикаси “Суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунининг 28-моддасида баён этилган. Унга кўра, ижро хужжатини ижрога топшириш муддати икки ҳолатда, яъни:

ижро хужжати ижрога топширилганда;

ижро хужжати қарздор томонидан қисман ижро этилганда узилади.

Ижро хужжатини ижрога топшириш муддати узилгандан сўнг муддатнинг ўтиш даври янгидан бошланади. Муддат узилгунга қадар ўтган вақт янги муддат ҳисобига киритилмайди.

Ижро хужжати уни тўлиқ ёки қисман ижро этишининг имконияти йўқлиги сабабли ундирувчига қайтарилиган тақдирда, уни ижрога топшириш муддати узилгандан кейин ижро хужжати ундирувчига қайтарилиган кундан бошлаб ҳисобланади.

Баъзида айрим ундирувчилар томонидан Қонунинг ушбу нормасини суиистеъмол қилиш ҳолатлари ҳам кузатилади.

Хусусан, ундирувчи ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан ижро ҳужжатининг ижро этилишига тўсқинлик қилиши, шу жумладан ижро ҳужжатида кўрсатилган, қарздордан олиб қўйилган муайян ашёларни олишдан воз кечиши, шунингдек ижро ҳужжати ижро этилаётганда қарздорнинг сотилмаган мол-мулкини ўзига олишдан воз кечиши ёхуд қарздорлик ҳисобидан ушбу мол-мулкни ўзига олиш тўғрисидаги давлат ижро ҳужжатини тамомлаш ва уни ундирувчига қайтаришга асос бўлади.

Бундай ҳолатда ижро ҳужжати ундирувчига қайтарилганидан кейин ҳам у мазкур ижро ҳужжати бўйича ижро ҳаракатларига тўсқинлик қилишни давом эттириб, бир неча йиллар давомида ижро ҳужжатини ижрога қайта-қайта тақдим қилиб келиши, ҳар сафар ижро ҳужжатини ижрога топшириш муддати янгиланиб бориши мумкин. Айнан шу жиҳатдан мазкур тартибни ҳам қайта кўриб чиқиш ва қуидаги амалиётни жорий қилиш, фикримизча мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ундирувчи ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан ижро ҳужжатининг ижро этилишига тўсқинлик қилиши, шу жумладан ижро ҳужжатида кўрсатилган, қарздордан олиб қўйилган муайян ашёларни олишдан воз кечиши, шунингдек ижро ҳужжати ижро этилаётганда қарздорнинг сотилмаган мол-мулкини ўзига олишдан воз кечиши ёхуд қарздорлик ҳисобидан ушбу мол-мулкни ўзига олиш тўғрисидаги давлат ижро ҳужжатининг таклифи бўйича ўз қарорини белгиланган муддатда тақдим этмасликда ифодаланадиган ҳаракати билан ижро ҳужжатининг ижро этилишига тўсқинлик қилганида ижро ҳужжатини ижрога топшириш муддати узилмаслиги ёки бу ҳолатда ижро иши юритуви тутатилишини назарда тутувчи тартиб жорий этиш.

Шу ўринда, дарҳол ижро қилиниши лозим бўлган ижро ҳужжатларининг ижроси бўйича ҳам қуидагиларга тўхталиб ўтсак мақсадга мувофиқ бўлади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунининг 30-моддасида ижро ҳужжатларининг айрим талаблари дарҳол ижро этилиши кераклиги белгилаб қўйилган бўлиб, яъни:

- алиментлар ҳамда уч ойдан ошмаган иш ҳақини ундириш тўғрисидаги талаблар;

- қонунга хилоф равища меҳнат шартномаси бекор қилинган ёки қонунга хилоф равища бошқа ишга ўтказилган ходимни ишга тиклаш тўғрисидаги, меҳнат шартномасини бекор қилиш асосининг таърифини ўзгартириш тўғрисидаги талаблар;

- ижро ҳужжатида баён этилган талаблар дарҳол ижро этилиши ҳужжатда кўрсатилган ёки дарҳол ижро этилиши қонунда назарда тутилган ҳоллардаги бошқа ишларга доир талаблар дарҳол ижро этилиши лозим.

Ваҳоланки, ИПКнинг 334-моддасига кўра қўйидаги ижро ҳаракатларини назарда тутувчи суд ҳужжатлари дарҳол ижро этилиши белгилаб қўйилган:

- даъвони таъминлаш бўйича чоралар кўриш;
- келишув битимини тасдиқлаш;
- ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий тартибда ижрога қаратиш учун ижро варақасини бериш;
- чет давлат судининг ёки арбитражининг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги ажрим;
- соддалаштирилган иш юритиш тартибда кўриб чиқилган ишлар бўйича ҳал қилув қарорлари дарҳол ижро этилиши лозим.

Шунингдек, ФПКга мувофиқ қўйидаги ижро ҳаракатларини назарда тутувчи суд ҳужжатлари дарҳол ижро этилиши лозим:

- даъвони таъминлаш тўғрисидаги ажрим;
- майиб бўлганлик ёки соғлиқقا бошқача тарзда шикаст етказилганлиги, шунингдек бокувчиси вафот этганлиги натижасида кўрилган заарнинг ўрнини қоплаш учун тўловлар ундириш тўғрисидаги ҳал қилув қарори;

- судда ишни мұхокама қилиш вақтида жавобгар дағынан бутунлай ёки қисман тан олғанлигига қараб, түлиқ ёки қисман қаноатлантирилған талаблар бүйічә чиқарылған ҳал қилув қарорлари дархол ижро этилиши керак.

Юқоридаги ҳолатдан күриниб турибиди, фуқаролик ёки иқтисодий процессыал қонунчиликда назарда тутилаётган дархол ижро этилиши лозим бўлған ижро ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги қонунида алоҳида белгилаб қўйилмагани давлат ижрошилари томонидан ушбу нормаларни амалиётда қўлланилиши жараёнида айрим зиддиятлар ҳамда тушунмовчиликларга сабаб бўлиши мумкин.

Аслида “дархол ижро этиш” тушунчаси фуқаролик ҳамда иқтисодий процессыал қонунчилигига суднинг ҳал қилув қарори қабул қилинганидан кейин уни кучга кириши учун белгиланган вақт талаб этилмайдиган ва қарор қабул қилинганидан эътиборан ижро қилиниши лозим бўлған ижро ишлар назарда тутилади.

ФПКга мувофиқ ҳал қилув қарорининг қонуний кучга кириш муддати йигирма кун этиб берилган бўлса, ИПКга кўра ушбу муддат бир ойни ташкил этади. Бундан ташқари, соддалаштирилған тартибда кўрилган иқтисодий ишлар бўйича қабул қилинган қарорларнинг қонуний кучга кириш муддати ўн кун ҳисобланади.

Суд буйруқларининг қонуний кучга кириш муддати фуқаролик ҳамда иқтисодий процессыал қонунчиликка кўра ўн кун этиб белгиланган.

М.Мамасиддиқов фуқаролик процессыал қонунчилигига назарда тутилган дархол ижро этиладиган ҳал қилув қарорларининг икки турини, яъни мажбурий ва ихтиёрий шаклларини изоҳлайди.

Мажбурий шаклда дархол ижро қилинадиган суд қарорларини суд алоҳида мұхокама этмай туриб, дархол ижрота қаратади. Ушбу турдаги ҳал қилув қарорлари ФПКнинг 266-моддасида аниқ белгилаб қўйилган.

Ихтиёрий шаклда эса дарҳол ижрога қаратиш масаласи суд мухокамасида кўрилиши ва бу ҳал қилув қарорининг нафақат қарор қисмида, балки баён қисмида ҳам ўз аксини топиши керак.

Суд қуйидаги ҳал қилув қарорлари бутунлай ёки қисман дарҳол ижро этилишига йўл қўйиши мумкин:

- даъвогар ва жавобгар суднинг чиқарган ҳал қилув қарорига ва унинг дарҳол ижро этилишига рози бўлганида;
- муаллифнинг интеллектуал фаолияти натижасидан фойдаланганлик учун унга ҳақ ундириб бериш тўғрисидаги ҳал қилув қарори;
- алоҳида ҳолатлар натижасида ҳал қилув қарорининг ижросини кечиктириш ундирувчи учун кўп заарар келтириши мумкин бўлган ёки ижронинг бажарилиши мумкин бўлмай қолган бошқа ҳамма ишлар бўйича.

Ҳал қилув қарорини дарҳол ижро этиш масаласи қарор чиқарилаётган ёки қарор чиқарилгандан кейин ҳам кўрилиши мумкин. Масалан, ҳал қилув қарори чиқарилгунига қадар мазкур масалани ҳал қилиш талаб этилганида, яъни суд ҳал қилув қарорини дарҳол ижро этилишига йўл қўйилган тақдирда, тарафларнинг розилиги суд мажлисининг баённомасига киритилади ва тарафлар томонидан имзоланади. Агар тарафларнинг розилиги суд номига юборилган ёзма аризаларда ифодаланган бўлса, бу аризалар ишга қўшиб қўйилади, бу ҳақда суд мажлисининг баённомасида кўрсатилади.

Алоҳида ҳолатлар натижасида ҳал қилув қарорининг ижросини кечиктириш ундирувчи учун кўп заарар келтириши мумкин бўлган ёки ижронинг бажарилиши мумкин бўлмай қолган бошқа ҳамма ишлар бўйича суд ҳал қилув қарорининг дарҳол ижро этилишига йўл қўйилган тақдирда суд даъвогардан ҳал қилув қарори бекор қилинган тақдирда, ундирилган нарсалар қайтарилишини таъминлашни талаб қилиши мумкин.

Ҳал қилув қарори чиқарилганидан сўнг апелляция шикояти бериш ва протест келтириш муддати ичida ҳал қилув қарорининг дарҳол ижро этилишига йўл қўйиш масаласи ишда иштирок этувчи шахслар хабардор

қилинган ҳолда суд мажлисида кўриб чиқилади. Бироқ, бу шахсларнинг келмаслиги дарҳол ижро этиш масаласини ҳал этишга тўсқинлик қилмайди. Ҳал қилув қарорини дарҳол ижро этиш масаласи бўйича суднинг чиқарган ажрими устидан хусусий шикоят берилиши ёки хусусий протест келтирилиши мумкин. Ҳал қилув қарорини дарҳол ижро этилиши устидан берилган хусусий шикоят ёки келтирилган протест бу ажримнинг ижросини тўхтатмайди¹⁰.

Юқорида баён этилганларга кўра, “дарҳол ижро этиш” тушунчаси, унинг мазмун ва моҳияти, аҳамияти, зарурати ҳамда оқибатлари ишларни судда кўриш жараёнида батафсил баён этилган.

Бироқ, ижро иши юритуvida, яъни Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги қонунида дарҳол ижро этиш тушунчаси тўлиқ очиб берилмагани, ушбу турдаги ижро ҳужжатларининг ижросини таъминлашда бир қатор саволларни келтириб чиқаради.

Гарчи, мазкур Қонуннинг 22¹-моддасида ижро ҳужжати дарҳол ижро этилиши лозим бўлган ҳолларда давлат ижро иши юритища иштирок этувчи шахсларни олдиндан хабардор қилмасдан ижро ҳаракатларини амалга оширишга ва мажбурий ижро этиш чораларини қўллашга ҳақли экани белгилаб қўйилган бўлсада, мазкур ижро ҳужжатлари қанча муддатда ижро қилиниши лозимлигига аниқлик киритилмаган. Шунга кўра, ижро иши юритуvida ҳам “дарҳол ижро қилиш” тушунчасига аниқ таъриф бериш масаласини чуқурроқ ўйлаб кўрсак тўғри бўлар эди.

¹⁰ М.М.Мамасиддиқов. Фуқаролик процесси. Фуқаролик ишлари бўйича судьяликка заҳира олинган номзодлар учун кўлланма. Тошкент. “BAKTRIA PRESS”. 2014 й. – 332-333-б.

1.2. Ижро ҳаракатларини амалга оширишда информацион технологиялардан фойдаланишининг жорий ҳолати.

Сўнгти йилларда мамлакатимизда суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини мажбурий ижро этиш тизимини тубдан такомиллаштириш, мазкур тизимни замон талабларига мувофиқлаштириш, энг муҳими фуқароларнинг ҳукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилган тизимга айлантириш бўйича бир қатор ташкилий-хукуқий чора-тадбирлар амалга оширилди.

Бошқа давлат органлари, шунингдек ижтимоий муносабатларда бўлгани каби Бюронинг фаолиятига ҳам замонавий ахборот-коммуникация технологиялари босқичма-босқич жорий этилмоқда. Бугунги кунда замонавий информацион технологияларсиз Бюро ўз зиммасига юклатилган вазифаларни улдалashi имконсиз десак муболага бўлмайди.

Ижро хужжатларини ижро қилиш жараёни давлат ижрочисидан ўзига ҳос билим, малака ва энг асосийси вақтни талаб этади. Жамият ҳукуқий онги ва маданияти ошиб борар экан унинг субъектлари ўртасидаги низоларни суд орқали ҳал қилиш амалиёти тобора кенг тус олиб бормоқда ва бу эса, ўз навбатида, ижро хужжатларининг сони тобора қўпайиб, давлат ижрочисининг иш юклamasи янада ортиб боради демақдир.

Бугунги кунда Бюронинг давлат ижрочилари иш юклamasи МДҲ ва бошқа кўплаб ҳорижий мамлакатларда мазкур соҳа масъулларининг иш юклamasига нисбатан юқори бўлиб, бу ҳолат ижро хужжатларининг ўз вақтида ва тўлақонли ижросини таъминлашга салбий таъсир кўрсатади.

Илк бор, суд ижрочисининг ўртача иш ҳажми 2001 йилга нисбатан уч баравардан ортиқ, айrim ҳудудларда эса 6-7 бараварга ошгани, ушбу фаолиятни ташкил этишнинг шакл ва усулларини, ахборот-коммуникация ва бошқа замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда такомиллаштириш чора-тадбирлари кўрилмагани 2006 йилда Ўзбекистон Республикаси

Президентининг қарорида танқидий муҳокама қилинган эди. Ушбу қарор билан икки ой муддатда ижро хужжатларининг маълумотлар базасини ташкил этиш ва юритиш, шунингдек суд ижрочилари томонидан ундирилган маблағларни назорат қилишга мўлжалланган ягона ахборот-компьютер тармоғини ташкил этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш бўйича давлат раҳбари томонидан берилган топшириқ қарийб кейинги ўн йилдан ортиқ муддат давомида ҳам рўёбга чиқарилмаган эди. Ушбу масала мазкур тизим Бош прокуратура ҳузурида қайта ташкил этилганидан сўнг, давлат раҳбарининг 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3070-сонли қарори билан ташкил этилган Бюронинг Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш маркази томонидан амалда бажарила бошланди десак муболага бўлмайди.

Хусусан, ушбу марказ томонидан яратилган ва бугунги кунда мазкур давлат органи томонидан амалга оширилаётган ижро иши юритувига бевосита алоқадор бўлган қўйидаги иккита дастурий таъминот мавжуддир. Ушбу ахборот ресурсларидан нафақат Бюро ходимлари ва соҳа фаолияти устидан назорат қилувчи органлар, балки ижро иши юритувига алоқадор бўлган исталган шахслар фойдаланиши мумкин.

Жумладан, Бюронинг ягона корпоратив портал – “МИБ портал” бу, Бюро ходимларининг марказлашган электрон иш майдонини яратиш учун мўлжалланган “виртуал офис” бўлиб, давлат ижрочилари ижро хужжатларини ижро қилишда ушбу порталнинг “МИБ Ижро” ахборот тизимидан фойдаланади.

Ушбу дастур ижро иши доирасида ваколатли давлат органлари билан тезкор маълумотлар алмашувни таъминлаган ҳолда:

- суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларининг сўзсиз ижросини таъминлаш;
- идоравий ва идоралараро тезкор маълумот алмашинувини техник қўллаб-куватлаш;

- замонавий ахборот-коммуникация имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда қарздорлар ва уларнинг мол-мулкларини қидириш;
- давлат ижро чиларининг қарорлари, топшириқлари, кўрсатмалари, билдиришномалари ва бошқа хабарномаларини, шунингдек уларга жавобларни тегишли давлат органлари, банк муассасалари ва бошқа ташкилотларига ҳужжат кўринишида юбориш (қабул қилиш);
- суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишдан бўйин товлаётган қарздорларга, шу жумладан, уларнинг мол-мулклари ва мулкий ҳуқуқларига нисбатан чеклов чораларини ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўз вақтида қўллаш;
- ижро ҳужжатлари ва улар бўйича қарздорларнинг ягона, ҳаққоний электрон базасини шакллантириш, мунтазам равища янгилаб бориш, ҳавфсизлигини таъминлаш;
- ижро ҳаракатлари юзасидан процессуал ҳужжатларни қарздор ёки унинг мол-мулки жойлашган жойда масофадан туриб, шунингдек зарур ҳолларда мобил иловалар (телефонлар) ёрдамида расмийлаштириш;
- ижро ҳужжатларининг ҳаққоний ҳисобини юритиш ва ҳар бир ходим кесимида чуқур таҳлил қилиб бориш;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ Бюрга берилган бошқа ваколатларни электрон равища ва тезкорлик билан амалга ошириш каби муҳим функцияларни бажаради.

Давлат ижро чиларининг ушбу дастурдан фойдаланиш ҳуқуки (мажбурияти) у лавозимга тайинлаганидан эътиборан вужудга келади ва ундан ўзига бириклилган “логин” ва “парол” ёрдамида фойдаланади. Ходим ўз иш юритувидаги ижро ишлари бўйича барча турдаги ижро ҳаракатларини ушбу дастурий таъминот ёрдамида амалга ошириши талаб этилади.

Сўнгги йилларда тез суръатларда ривожланаётган ижтимоий ва иқтисодий муносабатлар барча соҳаларни катта ҳажмдаги маълумотлар базаси билан ишлашни тақозо этади, шу жумладан ижро иши юритувда ҳам.

Бу даврда “мураккаб ижро” муаммосини ҳал қилиш учун биз анъанавий усулларда фикрлашдан воз кечиб, “фаол маълумот алмашинуви” асосида дастурий таъминот томонидан тўпланган маълумотлардан самарали фойдаланишимиз, бунда рақамли технологиялар ёрдамида суд қарорлари ижроси учун бутунлай янги йўл яратишимиз зарурдир.¹¹ Бугунги кунда бошқа ривожланган ҳорижий мамлакатлар тадқиқотчилари томонидан ҳам ижро иши юритуvida рақамли технологиялардан фойдаланишнинг аҳамияти бугунги кунда долзарб масалалардан бири сифатида қайд этилаётгани соҳа нафақат миллий қонунчилигимизда, балки бошқа ривожланган мамалкatalар амалиётида ҳам мураккаб муносабатлардан бири эканини кўрсатади.

Таъкидлаш жоизки, ижро ҳаракатларини электрон дастури ёрдамида амалга ошириши давлат ижро чиларининг иш ҳажмини қисқартиради албатта, бироқ мамлакатимизда ижро иши юритуви соҳасига татбиқ қилинаётган амалдаги ёндашув инсон омилини инкор қилмайди.

Давлатнинг хуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари фаолиятига амалдаги муносабат узоқ йиллардан, айтиш мумкинки, собиқ совет тузумидан мерос бўлиб келмоқда. Бундай муносабат жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш айнан ушбу давлат хизматчиларининг хатти-ҳаракатига боғлиқ бўлиб қолишига олиб келади. Яъни, аслида қонун билан аниқ белгилаб қўйилган айrim муносабатлар мансабдор шахснинг ҳаракати ёки унинг ҳаракатсизлиги туфайли рўёбга чиқмай қолиши мумкин бўлиб, бу авваламбор ушбу муносабат субъектларининг хуқуқлари ва қонуний манфаатларига путур етказади, қолаверса коррупцияга мойил вазиятни вужудга келтиради.

Жамиятда хуқуқни қўллаш амалиётининг ушбу босқичидаги деярли барча муносабатлар императив нормалар ёрдамида тартибга солиниб, бу жараёнда қабул қилинган қарорлар муҳокама қилинишига йўл қўйилмайди.

¹¹ Jiebing Yao, Refined Execution of Courts based on Big Data and Artificial Intelligence, 2019, Advances in Social Science, Education and Humanities Research, volume 325.

Соҳани тартибга солувчи асосий меъёрий хужжат ҳисобланган Ўзбекистон Республикасининг “Суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуни билан тартибга солинадиган бир қатор муносабатлар қайси ҳолатларда айнан қандай ҳал қилиниши лозимлиги аниқ белгилаб қўйилган.¹² Мисол учун, қарздорнинг вақтинча чекланган четга чиқиш ҳуқуқини бекор қилиш жараёнини қисқача таҳлил киласайлик.

Амалдаги қонунчиликка кўра суд хужжати асосида қўзғатилган ижро иши доирасида суд хужжатидаги талаблар белгиланган муддатда қарздор жисмоний шахс томонидан узрсиз сабабларга кўра ижро этилмаганда, давлат ижрочиси ундирувчининг аризаси бўйича ёки ўз ташабbusи билан қарздор жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклаш тўғрисида қарор чиқаришга ҳақли.

Амалиётда қарздор жисмоний шахсларни четга чиқиш ҳуқуқини вақтинча чеклаш ва уни олиб ташлаш билан боғлиқ айrim муаммолар ҳам учрайди.

Хусусан, ўзининг четга чиқиш ҳуқуқи вақтинча чекланганлиги тўғрисида у ёки бу сабабга кўра хабардор бўлмаган айrim қарздорлар ўзининг ушбу ҳуқуқи чекланганлиги ҳақида давлат чегарасидан чиқиш пайтида хабар топади ва бу ҳолат унга моддий ва маънавий зарап келтиради.

Айrim ҳолларда ҳуқуқи чекланган шахслар давлат ижроисининг мазкур ҳаракатининг қонунийлигини муҳокама қилса, аксарият ҳолларда улар эса ҳеч қандай эътиrozсиз энг қисқа фурсат ичida ўз қарздорлигини тўлиқ тўлаган ҳолда ўз йўлида давом этишни афзал кўришади.

Қарздорга қўйилган чеклов фақатгина қуйидаги ҳолатларда олиб ташланиши мумкин:

— чиқиш ҳуқуқларини вақтинча чеклашга асос бўлган ижро хужжати

¹² Ўзбекистон Республикасининг “Суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуни. <https://lex.uz/docs/26477>

- талаблари амалда ижро этилганда;
- қонунда белгиланган асосларга кўра ижро хужжати тугатилганда;
 - ижро иши юритуви тамомланганда;
 - алиментларни олдиндан тўлаш ҳамда алиментларни тўлаш мажбуриятини гаров билан таъминлаш тартиби суд томонидан қаноатлантирилганда;
 - қарздорнинг чиқиши ҳукуқларини вақтинча чеклаш тўғрисидаги давлат ижрочисининг қарори бекор қилинганда.

Сўнгти йилларда ушбу жараёнга замонавий ахборот технологиялари имкониятлари ҳам бир қадар татбиқ қилинганини қайд этиш лозим. Ҳозирда қарздорга нисбатан қўйилган чекловни олиб ташлаш учун давлат ижрочиси томонидан анъанавий усулдаги конвертда почта орқали қофоз шаклида эмас, маҳсус электрон тизим орқали қарздор жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишига қўйилган вақтинча чекловни олиб ташланади ҳамда бу ҳақда қарздорни ва ундирувчини хабардор қиласи.

Маҳсус электрон тизимдан қарздорнинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишига қўйилган вақтинча чеклов олиб ташланганда бу ҳақдаги хабар идоралараро маълумот алмашинуви тизими орқали автоматик тарзда Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармасига ҳамда Чегара қўшинларига юборилади.¹³

Бироқ, ушбу жараённинг мукаммал эмаслиги ва инсон омилига боғлиқ эканлиги юқорида баён этилган, амалдаги механизмдан кўриниб турибди. Яъни, қарздорга нисбатан қўйилган чекловни олиб ташлашнинг амалдаги тартиби муайян ҳаракат ва вақтсиз ҳукуки чекланган шахснинг ўз қарздорлигини зудлик билан тўлаган тақдирда ҳам ўз ҳукуки тикланишига йўл

¹³ Суд хужжати асосида берилган ижро хужжатини ёки ижро хужжати бўлган суд хужжатини узрсиз сабабларга кўра ижро этмаган қарздор жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклашни таъминлаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Мажбурий ижро бюроси, Ички ишлар вазирлиги ва Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг ҳамкорлиги тартиби тўғрисидаги низом. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 12 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3196.

кўймайди, бу ҳолат эса уларнинг кўплаб ҳақли эътиrozларига сабаб бўлиши мумкин.

Амалдаги тартибга кўра давлат ижроиси маҳсус электрон тизим орқали қарздорга қўйилган чекловни олиб ташлайди, кейин эса бу ҳақда қарздор ва ундирувчини хабардор қиласади.

Шундай экан, ушбу жараён нима сабабдан дастурий таъминот томонидан автоматик тарзда эмас, албатта давлат ижроиси томонидан амалга оширилиши керак? Амалиётда айrim ҳолатларда иш ҳажмининг кўплиги ёки давлат ижроисининг масъулиятсизлиги оқибатида айrim қарздорлар ўз мажбуриятини тўлиқ бажарган тақдирда ҳам унга қўйилган чекловлар ечилмай қолиши, бунинг оқибатида уларга моддий ва маънавий зиён етказилганлик ҳолатларини ҳам учратиш мумкин. Чунки, биргина шу ҳолат мисолида ижро иши юритувида қарздорнинг қонун билан кафолатланган хукуқи амалга оширилишини давлат ижроисига, яъни шахсга боғланиб қолганини кўришимиз мумкин. Шунингдек, ижро иши юритишни қўзғатиш ёки қайтариб юбориш, қарздорнинг мулкига қўйилган таъкиқларни ечиш, иш юритувни тамомлаш ёки тугатиш каби Қонун билан қатъий белгилаб қўйилган бир қатор вазиятларни ҳам шу тариқа таҳлил қилиш ва автоматлаштириш фикримизча мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки, ушбу қарорларнинг ўз вақтида ва аниқ асослар мавжуд бўлганда гина қабул қилиниши замирида шахсларнинг (карздор ёки ундирувчи) хукуқлари ва қонуний манфаатлари ётади.

Шунингдек, Бюронинг расмий веб сайти “mib.uz” мавжуд бўлиб, унда ҳар қандай фойдаланувчи учун очиқ маълумотлар базаси юритилади¹⁴.

Ушбу ахборот ресурси орқали фойдаланувчиларга Бюронинг фаолияти ва соҳага оид меъёрий-хукуқий хужжатлар билан бирга ижро иши юритуви билан бевосита боғлиқ қўйидаги интерактив хизматлар ҳам кўрсатилади:

- Қарздорликни текшириш;

¹⁴ <https://mib.uz/home>

- Ижро мониторинги;
- Республикадан чиқишига чеклов;
- Алиментлар калькулятори;
- Бизнес ҳамкорингизни биласизми?

“Қарздорликни текшириши” ҳамда “Бизнес ҳамкорингизни биласизми?”

хизматлари орқали ҳар қандай фойдаланувчи исталган жисмоний ёки юридик шахсга нисбатан Бюронинг иш юритувидағи ижро иши бўйича қарздорлик миқдори тўғрисидаги маълумот олиши мумкин. Бунинг учун ахборотдан фойдаланувчига фақатгина қарздорнинг паспорт серияси ва рақами, юридик шахс учун эса СТИР (солиқ тўловчи идентификацион рақами) зарур бўлади. Ушбу хизмат ёрдамида жисмоний ва юридик шахслар муайян шахс ёхуд тадбиркорлик субъекти билан молиявий муносабатга киришишдан олдин у ҳақда муҳим маълумотга эга бўлиши мумкин. Ўз навбатида бу имкониятдан тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятида самарали фойдаланишлари мумкин.

Бир қараашда Бюро томонидан кўрсатилаётган мазкур хизмат шахсга оид маълумотларни сир сақланиши тўғрисидаги қонун хужжатларига зид келадигандек кўринади. Чунки, веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт сахифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи, уларнинг шахсий ҳаётига аралashiшга йўл қўювчи ахборотни тарқатиш мақсадларида фойдаланилишига йўл қўймаслиги шарт эканлиги қонун билан белгилаб қўйилган.¹⁵

Бироқ, қонунлар жамиятнинг ҳар қандай субъектлари ўртасида юзага келадиган ўзаро муносабатларда ҳар икки тарафнинг ҳам ҳуқуқини бирдек ҳимоя қилиши лозим. Авваламбор, ҳар ким шахсига оид маълумотларни ўзи ҳимоя қилиши, яъни бошқа бирорга ошкор қиласлик учун масъулдир. Юқоридаги ҳолатда эса Бюро томонидан тақдим этилаётган хизматдан

¹⁵ **Қаранг:** Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги 560-II-сонли Қонунининг 12¹-моддаси. //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 1-2, 10-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 9, 244-модда// <https://lex.uz/docs/83472>

фойдаланиш учун тарафлар ўзлари ҳақидаги маълумотларни (паспорт серияси ва рақами, СТИР) ихтиёрий равишда ўзаро алмашган тақдирдагина мумкин бўлади. Қолаверса, бу хизмат ёрдамида тузилажак шартномага қўра молиявий муносабатларга киришадиган инсофли тарафнинг келгусида дуч келиши мумкин бўлган муаммолар ҳақида хабардор бўлишига имкон яратилади. Шу нуқтаи назардан давлатнинг маҳсус ваколатли органи томонидан кўрсатилаётган ушбу интерактив хизмат жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини бузиш эмас, балки уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юзага келиши мумкин бўлган навбатдаги ҳуқуқбузарликларни профилитика қилишга хизмат қиласи.

Ушбу амалиёт бошқа ривожланган хорижий мамлакатлар, жумладан Швециянинг Ижро органи (Kronofogden) томонидан ҳам амалиётга киритилган бўлиб, “Мижозларга хизмат кўрсатиш” (Customer service) шаклида телефон орқали амалга оширилади.

“Ижро мониторинги” хизмати орқали ижро иши юритишнинг барча босқичлари шунингдек, давлат ижрочиси томонидан кўрилаётган чоралар ҳамда бажарилаётган ижро ҳаракатлари тўғрисидаги маълумотларни кузатиб бориш мумкинлиги назарда тутилади. Ушбу хизматдан фойдаланиш учун ҳам ижро иши рақами ҳамда жисмоний шахслар учун паспорт серия ва рақами, юридик шахс учун ИНН маълумотлари талаб этилади. Ушбу хизмат Ҳукумат қарорига¹⁶ мувофиқ барча фойдаланувчилар учун очик маълумот сифатида тақдим этилган бўлиб, аслида эса унинг қонун талабига мувофиқ келиши бироз мунозарали вазият деб ўйлаймиз. Мазкур қарор ижро ҳужжатлари бўйича қарздорлар тўғрисида барча учун очик маълумотлар базаси ишлаб чиқилиши, қарор билан кўрсатиб қўйилган йирик битимлар, айрим турдаги

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 21.05.2018 йилдаги “Энергия ресурсларини истеъмол қилиш, сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари кўрсатиш, шунингдек, ижро ишини юритиш соҳасида тўлов интизомини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 379-сон қарори. <https://lex.uz/docs/3743205>

молия-кредит хизматлари, халқаро йўловчи ташиш хизматлари ва давлат хизматлари жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкий тусдаги ижро хужжатлари бўйича тўланмаган қарз аниқланмаган тақдирдагина амалга оширилишини белгилаб беради. Яъни, мазкур қарорни амалиётга татбиқ этиш учун юқорида тушунтириб берилган икки хизмат тури “*Қарздорликни текшириши*” ҳамда “*Бизнес ҳамкорингизни биласизми?*” шаклида кўрсатилаётган хизматлар ҳам кифоя қиласиди.

Чунки, соҳага оид қонунчилик ижро иши юритуvida “тарафлар” тушунчасини, яъни бунда қарздор ва ундирувчиларни назарда тутади. Тарафлар ижро ҳаракатларини амалга оширишда ижро иши юритиш материаллари билан танишиш ҳуқуқига эга эканлиги қонун билан белгилаб қўйилган¹⁷. Айнан ушбу тартиб фуқаролик, иқтисодий ва жиноят процессларида ҳам мавжуд бўлиб, ушбу муносабатларда иш материаллари билан танишиш ҳуқуқига иштирокчи шахслар эга эканлиги тегишли қонунлар билан мустаҳкамланган.

Тадқиқотимиз жараёнида соҳа амалиётчилари иштирокида ўтказган сўровномаларимиз орқали давлат ижро чилари ижро иши юритуvida тараф ҳисобланмайдиган шахсларга муайян ижро иши бўйича иш юритишнинг барча босқичлари шунингдек, давлат ижро чилиси томонидан кўрилаётган чоралар ҳамда бажарилаётган ижро ҳаракатлари тўғрисидаги маълумотларни тақдим қилиш амалиёти ўрганилди. Аниқланишича, давлат ижро чилари томонидан ўз иш юритувидаги ижро хужжатлари тўғрисидаги маълумотларни фақатгина иш бўйича тарафларга тақдим қилиниб, учинчи шахсларга эса белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома бўлмаса бундай маълумотлар тақдим қилинмайди. Бироқ, амалдаги Қонун ишончномаси бўлмаган ҳамда ижро иши юритуvida тараф сифатида иштирок этмаётган шахсларга муайян ижро иши хужжатлари билан танишишни таъқиқламайди.

¹⁷ *Қаранг:* Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунининг 9 ва 11-моддалари. <https://lex.uz/docs/26477>

Яъни, бу ҳолатда Бюронинг расмий веб сайти орқали тақдим этилаётган хизматнинг қонуний эканлиги аниқ белгилаб қўйилмаган, қолаверса давлат ижрошилари томонидан йўлга қўйилган амалиёт ушбу интерактив хизматни инкор қилишини кўриш мумкин. Ваҳоланки, ижро ишида тараф бўлмаган бироқ, ишнинг рақамидан хабардор бўлган ҳар қандай шахс бу хизмат ёрдамида ижро иши доирасида қабул қилинаётган қарорлар тўғрисида маълумот олиши мумкин бўлади. Ижро иши рақами эса давлат ижрошиси томонидан қарздорларнинг мол-мулкларини қидиришда айrim ваколатли идораларга, мисол учун банклар ва рўйхатга олувчи идораларга юборадиган сўровномаларда кўрсатилиши сабабли у ҳақда хабардор бўлиш қийинчилик туғдирмайди. Шу нуқтаи назардан, фикримизча мазкур интерактив хизматни кўрсатиш учун дастлаб унинг қонунга мувофиқлигини қайта қўриб чиқиш ёки фаолиятнинг ошкоралигини таъминлаш мақсадида қонундаги мазкур мавхумликни бартараф этиб, Бюронинг расмий веб сайтида ушбу интерактив хизмат кўрсатилиши аниқ баён қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шунингдек, “*Республикадан чиқишига чеклов*” ҳамда “*Алиментлар калькулятори*” эса бугунги кунда фойдаланувчилар учун энг самарали хизмат экани ҳамда бу хизматлар ёрдамида жисмоний ва юридик шасхлар учун жуда қулай имкониятлар яратиб берилгани, айни пайтда ортиқча қоғозбозлик ва расмиятчиликлар бартараф этилганини алоҳида эътироф этишимиз лозим. “*Республикадан чиқишига чеклов*” хизмати ёрдамида ҳар қандай жисмоний шахс ўзи мустақил равишда ўзига нисбатан Ўзбекистон Республикасидан чиқишига вақтинча чеклов қўйилган ёки қўйилмаганини текшириб олиши мумкин.

Ижро ҳаракатларини амалга оширишда информацион технологиялардан фойдаланишнинг жорий ҳолати ҳақида сўз юритганда ижро хужжатлари бўйича хатланган айrim турдаги мол-мулкларни реализация қилиш жараёнига

ҳам тўхталиб ўтишимиз лозим бўлади.

Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 27 июлдаги “Суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини ижро этишда мол-мулкни реализация қилиш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3149-сонли қарори билан Бюро хузурида «Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш маркази» давлат унитар корхонаси ташкил этилди. Ушбу марказни тузишдан кўзланган мақсад ижро иши юритишни амалга оширишда мол-мулкни реализация қилиш бўйича аукцион савдоларининг қонунийлиги, шаффоғлиги ва холислиги таъминланиб, нарх-наво манипуляцияси ва бошқа суистеъмолчиликларга йўл қўйилишининг олди олиш бўлиб, унинг бугунги кундаги фаолияти мамлакатимизда мазкур соҳа ваниҳоят қонуний тартибга солинганини кўрсатади. 2019 йилнинг февралидан эътиборан ушбу марказ Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги тасарруфига ўtkazilgan бўлиб, ижро иши хужжатлари бўйича хатланган мол-мулклар Бюро директорининг “Электрон онлайн-аукционлар ташкил этиш ва ўтказишда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Мажбурий ижро бюроси ва “E-IJRO AUCTION” ягона электрон савдо майдончаси оператори ўртасидаги ўзаро ҳамкорлиги тўғрисида”ги буйруғига мувофиқ онлайн савдоларга чиқарилади.

Бюро ва унинг худудий органлари ўзаро ҳамкорлик доирасида:

- а) электрон онлайн-аукционга қўйилган мол-мулкка доир ҳаққоний ва хужжатлар билан тасдиқланган тўлиқ маълумотларни Марказга тақдим этиш;
- б) харидорларга мол-мулкни ҳеч қандай тўсиқсиз олдиндан кўриш (кўздан кечириш) имкониятини таъминлаш;
- в) мол-мулкни реализация қилиш бўйича электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш ва ўтказиш давомида ижро иши юритишдаги ушбу мол-мулк билан боғлиқ ўзгаришлар ва қабул қилинган қарорлар тўғрисида (ижро иши юритишни тўхтатиш, тугатиш, тамомлаш ва шу кабилар) Марказни тезкор

хабардор қилиш каби вазифаларни бажаради.

Үз навбатида Марказ (шу жумладан унинг филиаллари) ўзаро ҳамкорлик доирасида:

а) суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини ижро этишда мол-мулкни белгиланган муддатда реализация қилиш бўйича электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш ва ўтказиш;

б) мол-мулкни электрон онлайн-аукционларда реализация қилиш билан боғлиқ масалалар бўйича ахборот ва маслаҳат хизматларини кўрсатиш;

в) электрон онлайн-аукционларда мол-мулкни сотувидан тушган маблағларни ўз вақтида Бюро (унинг бўлинмалари)га ўтказиб бериш каби мажбуриятларни бажариши лозим.

Бунда, ҳар икки тараф томонидан ўз зиммасига юклатилган вазифаларни аниқ ва ўз вақтида бажарилиши талаб этилади. Бироқ, амалиётда тарафлардан бирининг, аксарият ҳолларда Бюро органларининг айрим масъулиятсизликлари оқибатида фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига зиён етказилиши кузатилади. Жумладан, тартибга кўра қарздор ва ундирувчини ўтказилган баҳолаш ҳақида белгиланган тартибда хабардор қилмасдан ҳамда уларга баҳолаш натижалари юзасидан 10 календарь кун давомида шикоят қилиш имкониятини бермасдан туриб, мол-мулк электрон онлайн-аукционга қўйилмаслиги лозим бўлсада, ушбу талаб ижроси давлат ижро чиқарилари томонидан таъминланмаганилиги оқибатида, Марказ томонидан ўтказилган аукцион савдолари судлар томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши ҳолатлари кузатилади.

Ёки, ижро ҳаракатлари ундирувчининг ижро хужжатини ижро қилмасдан қайтариш тўғрисидаги аризасига кўра тамомланган ва бу ҳақда ушбу ижро хужжати бўйича савдога чиқарилган мол-мулкнинг савдосини тўхтатиш ҳақида давлат ижро чиқарилари томонидан марказ хабардор қилиниши лозим бўлгани ҳолда давлат ижро чиқарилари ҳаракатсизлиги аукцион савдолари давом эттирилиб, натижаси бўйича аукцион ғолибига берилган баённома суд

тартибида бекор қилинишига сабаб бўлган ҳолатлар ҳам мавжуд.

Бу каби аукцион савдоларининг бекор қилиниши ёки судда яна бир неча маротаба муҳокама қилинишига давлат ижрочилари томонидан Қонун талаблари тўлақонли бажарилмаслиги билан боғлиқ бўлган бир неча ҳолатларни кўришимиз мумкин. Хусусан, Қонуннинг тегишли моддаларига кўра ижро иши юритуви бўйича қабул қилинган қарорлар юзасидан тарафларнинг хабардор қилинмаслиги, ижро ҳужжатини беришга асос бўлган қарор бекор бўлганда ёхуд ижро иши юритиш бошқа асослар бўйича тугатилган, тамомланган ёки тўхтатиб турилган ҳолларда тегишли билдиришнома электрон онлайн-аукцион ўtkазиш бошлангунга қадар марказ операторига юборилмаслиги бу борадаги муаммолар келиб чиқаётганига мисол бўла олади.

Юқорида баён этилган барча ҳолатларда амалдаги қонун талабларининг бажарилмаслиги ёки бажарилмай қолиши (касдан, масъулиятсизлик, бепарволик ёки қонун талабларини яхи билмаслигидан қатъий назар) инсон омилиги боғлиқ бўлиб қолаётганлигини кўришимиз мумкин.

Қонуннинг 22¹-моддаси ижро иши юритищда иштирок этувчи шахслар давлат ижрочиси томонидан чиқарилган қарорлар ҳақида, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса ижро ҳаракатлари тўғрисида ва мажбурий ижро этиш чоралари ҳақида хабардор қилинишини назарда тутади. Ушбу модданинг 4-қисми эса ижро ҳужжатида ундирувчининг ёки қарздорнинг электрон почта манзили ёки мобиль телефонининг рақами мавжуд бўлган тақдирда (агар улар судга ёки ижро ҳужжатини берган бошқа органга (мансадор шахсга) тақдим этилган бўлса), ижро ишини юритишни қўзғатиш тўғрисидаги билдиришнома унинг жўнатилганлиги ва қабул қилиб олинганлиги фактларини қайд этиш имконини берувчи маҳсус автоматлаштирилган тизимдан фойдаланган ҳолда электрон почтага ёхуд мобиль телефонга қисқа хабар (SMS) тарзида

юборилишини назарда тутади.¹⁸ “МИБ портал” дастурий таъминоти ҳам Қонуннинг ушбу нормасига кўра бугунги кунда фақатгина ушбу ҳолатдагина тарафларга хабарномани автоматик тарзда юборади.

Қонуннинг ушбу нормаси нима сабабдан фақатгина ижро ишини юритишни қўзғатиши тўғрисидаги билдиришнома тарафларга юборишни назарда тутади? Нима сабабдан давлат ижрочиси томонидан қабул қилинаётган барча процессуал қарорлар ва билдиришномалар (хабарлар) тарафларга ва манфаатдор шахсларга автоматик тарзда юборилмайди?

Ваҳоланки, юқорида айтиб ўтганимиздек, Бюронинг ички меъёрий ҳужжатларига кўра ижро ишлари бўйича барча турдаги ижро ҳаракатларини ушбу дастурий таъминот ёрдамида амалга ошириши талаб этилади. Демак, ҳар бир ижро ҳужжати бўйича давлат ижрочиси томонидан қабул қилинаётган қарорлар “МИБ портал” дастурий таъминотининг маълумотлар базасида сақланади ва уларни манфаатдор шахсларга электрон шаклда юбориш фақатгина техник жараёндан иборатdir.

Ижро иши юритувига татбиқ қилинган яна бир янги амалиёт бу, алимент мажбуриятларини ижро этиш ва назорат қилиш бўйича “МИБ портал” платформасида ташкил этилган ягона тизимdir. Ушбу тартиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.11.2020 йилдаги «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПФ–6118-сон Фармони билан жорий қилинган бўлиб, бундан кўзланган мақсад ижро ҳужжатларига асосан вояга етмаган фарзандларнинг моддий таъминоти учун алимент пулларини ҳисоблаш ва тўлаш тартиб-таомиллари устидан қатъий назорат ўрнатишидир. Мазкур амалиёт бугунги кунда ижро ҳужжатлари бўйича алимент мажбуриятларини қарздорлар томонидан ўз вақтида бажарилишини назорат қилиш имконини

¹⁸ Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуни. 22¹-модда. <https://lex.uz/docs/26477#27280>

беради. Бунда, ҳар бир алимент ундирувчиси учун очилган банк ҳисоб карталари “МИБ портал” дастури билан интеграция қилинган бўлиб, унга келиб тушаётган алимент пуллари, шу жумладан қарздорнинг иш ҳақидан ушлаб қолинган суммалар масъул ижрочи томонидан дастурий таъминот ёрдамида мониторинг қилиб бориш имконини беради.

Мазкур тартибнинг амалиётга татбиқ қилиниши яхши албатта, бироқ, унинг жорий ҳолати ҳар бир ижро ҳужжати қарздор ўз мажбуриятини муддатида бажараётгани ёки ундирув амалга ошмай қолаётганини аниқлаш давлат ижрочисига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Яъни, бу ҳолатда ҳам давлат ижроиси “МИБ портал” дастурида муайян ижро ҳужжатини танлаб, унинг ижроси аҳволини текширмагунига қадар ундирувчи белгиланган суммани олаётгани ёки олмаётгани ҳақида маълумотга эга бўла олмайди. Юқорида айтиб ўтганимиздек, давлат ижроисининг бугунги қундаги юқори иш юкламаси унинг ҳар бир ижро ҳужжатининг ижроси аҳволини ўз вақтида назорат қила олмаслигига сабаб бўлиши ва ундирувчининг манфаатлари бузилиб, унинг алимент пуллари ўз вақтида ундирилмай қолаётганлиги ҳақидаги шикоятига сабаб бўлиши мумкин. Шу нуқтаи назардан, алимент ундириш билан боғлиқ ҳар бир ижро ҳужжати бўйича ундирувчиларнинг банк карталарига тушумлар ўз вақтида тушиш жараёнини кузатиб боришни автоматлаштириш, яъни бу жараённи инсон омилисиз дастурий таъминот ёрдамида мониторинг қилиб бориш тартибини жорий этиш вояга етмаган фарзандларнинг моддий таъминоти учун алимент пулларини ҳисоблаш ва тўлаш тартиб-таомиллари устидан қатъий назорат ўрнатишда янада самаралироқ восита бўлар эди.

1.3. Суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини ижро қилишда айрим ривожланган хорижий мамлакатлари тажрибаси: қиёсий-хуқуқий таҳлил.

Тадқиқотим давомида Европанинг ривожланган мамлакатларидан бири бўлган Швециянинг Ижро органи – Кронофогден функциялари ҳақида айрим маълумотлар олиш ва уларни миллий тажрибамиз билан қиёслаш имкониятига эга бўлдим.

Ушбу хуқуқни муҳофаза қилувчи давлат органининг асосий вазифалари қарздорликларни олдини олиш ва профилактика қилиш, ижтимоий ва иқтисодий муносабатларда ўзаро мажбуриятларни бажариш борасида жамиятда юқори аҳлоқ қоидаларига риоя этилишини таъминлаш, тўлов қобилиятига эга бўлмаган қарздорларга ушбу иқтисодий вазиятдан қулай тарзда чиқиш ва нормал турмуш тарзига қайтариш бўйича тавсиялар беришдан иборатdir.

Маълумки, аҳолига фаровон ҳаётни таъминлаш бўйича Скандинавия давлатлари дунёда етакчи ўринларда туради. Хусусан, “The Legatum Prosperity Index” бўйича (ушбу индекс билан дунёнинг 167 давлати таҳлил қилинган) 2020 йилда Швеция жами кўрсаткичлар бўйича тўртинчи ўринни (Ўзбекистон 97-ўринда), “Шахсий эркинлик” ва “Яшаш шароити” субиндекслари бўйича эса учинчи ўринни эгаллаган.¹⁹

Хусусан, суд қарорларини ижро қилиш соҳасида Швеция ўзига хос тажрибага эга бўлиб, унинг айрим жиҳатларини чукур ўрганиш ва бу борадаги Ўзбекистон қонунчилигини такомиллаштиришда Швеция тажрибасидан ҳам андоза олиш мумкин деб ҳисоблайман.

Кронофогден нафақат хуқуқни муҳофаза қилувчи, балки давлатнинг иқтисодий барқарорлигини таъминловчи орган сифатида Ҳукуматда ўз ўрнига

¹⁹ <https://www.prosperity.com/rankings>

эга. Ушбу орган Молия вазирлиги ҳузуридаги мустақил давлат органи ҳисобланиб, Ҳукуматга бўйсунади. Ушбу орган “Агар қарзингиз бўлса ёки сиздан қарздор бўлишса биз ёрдам берамиз!” шиори асосида ўз фаолиятини ташкил этганлиги эътиборни тортади. Бошқа кўплаб мамлакатларда суд қарорларини ижро этишга масъул органлар суд ёки адлия органлари таркибида бўлгани ҳолда Швецияда бу органинг айнан Молия вазирлиги ҳузурида ташкил этилганлиги мазкур соҳа мамлакатнинг иқтисодий муносабатларида муҳим ўрин эгаллашидан далолат беради.

Даставвал, ушбу мамлакатда ижро ҳужжатларини ижрога топшириш қай тарзда йўлга қўйилганига эътибор қаратсак. Бу жараён электрон тарзда амалга оширилади ва Кронофогденнинг расмий веб сайти орқали ҳар қандай ундирувчи электрон шаклни (*электрон шакл (бланк) иловада келтирилади*) тўлдириб, ижро органига ундирувни таъминлаб бериш учун мурожаат қилиши мумкин.

Бу амалиёт, биричи навбатда ижро ҳужжатини ижрога топширишда ундирувчиларга қулайлик яратади, қолаверса турли сабаблар билан ёки инсон омилига кўра мурожаатнинг ижро органига кирим бўлмай қолишининг, қонунда белгиланган муддатларда ижро ишини юритиш қўзғатилмай қолишининг олдини олади.

Кронофогден мамлакатдаги мавжуд қарздорлар (жисмоний ҳамда юридик шахслар) бўйича қарздорлар реестрини юритади. Унинг функцияларидан бири айрим ижро ҳужжатлари бўйича қарздорликни ундиришда қарздорларнинг шахсий ва оиласий иқтисодий ҳолатини барқарор сақланишини таъминлаган ҳолда қарздорликни беш йил давомида қисман тўлаб боришга шароит яратиш ёки ундан умуман озод қилишдан иборатdir. Мазкур амалиёт Швецияда 2016 йилнинг 1 ноябридан кучга кирган қонун билан жорий қилинган бўлиб, “Debt reconstruction” – «Қарзни қайта кўриб чиқиши» деб аталади. Ушбу ёндашув кўплаб соҳага оид мутахассисларнинг эътиборини тортади ва ижро ишини юритишда кўплаб саволлар келтириб

чиқарадиган амалиётдир. Айниқса, ундирувчининг хукуқлари ва қонуний манфаатлари нуқтаи назаридан ёндашилганда унга нисбатан бироз адолатсиз бўлган амалиётдек туюлади.

Нима сабабдан ушбу давлатда бундай тартиб қўлланади деган саволга улар қуйидагича жавоб беришади:

- қарздор шу қадар қарзга ботиб кетганки, у қарзини йиллар давомида тўлай олмай келаётганлиги учун;
- қарздорнинг шахсий ва иқтисодий ҳолатидан келиб чиқсан ҳолда қарзни қайта ҳисоблаб чиқиши мақсадга мувофиқлиги учун;
- қарздорнинг асосий манфаати шу мамлакатда бўлгани, масалан унинг шу ерда яшаси ва қарзи ҳам шу давлатда бўлгани учун;
- ҳар бир шахс ўз бизнесини юритиши учун чеклов бўлмаслигини таъминлаш учун (қарздор бўлган ҳолатда шахсий бизнес юритишга қонун йўл қўймайди).

Қарздор ўзига нисбатан ушбу тартиб қўлланилишини сўраб мурожаат қилганидан сўнг, унинг мурожаатини қаноатлантириш ёки рад қилиш ҳақидаги қарор қабул қилиниши учун бир неча ой талаб этилиши мумкин. Ушбу муддат ичida қарздор яна бошқа янги қарзга кириб қолмаслиги шарт. Шунингдек, оддий қундалик тўловлар, мисол учун ижара тўловлари, телефон ва коммунал хизматлар учун тўловларни, фарзандининг таъминоти билан боғлиқ тўловларни ўз вақтида тўлаб боришига эътибор қаратиш лозим.

Мурожаат қаноатлантирилган тақдирда ижро органи қарздорга ҳар ойда қанча миқдорда тўловни амалга оширишини ҳисоблаб беради. Қарздорнинг ҳар ойда қанча сумма тўлаши лозимлиги унинг ойлик даромадига боғлиқдир. Тўланадиган қарз суммасини ҳисоблашда қарздор ва унинг оила аъзолари турмуш кечириши учун зарур бўладиган маблағ ҳисобга олинади. Қарздорлик қайта ҳисоблаб чиқилганида белгиланган суммани мунтазам тўлаб бориш шарти билан беш йиллик режа бўйича ҳаракат қилиш лозим. Агар қарздорнинг даромади унинг ҳаражатларидан ортмайдиган ва режага мувофиқ келгуси беш

йил ичида унинг даромадлари ошмаса у қарзни умуман тўламаслиги ва муддат тугагач, қарздан умуман озод қилиниши ҳам мумкин. Қарздор ўзига белгилаб берилган режани бузган тақдирда, яъни ўз вақтида тўловни амалга оширмаса ёхуд янги қарздорликлар келиб чиқишига йўл қўйса тартиб бекор қилинади ва умумий тартибда унга нисбатан ижро ҳаракатлари давом эттирилади.

Мазкур тартиб ҳар қандай турдаги ижро хужжатлари бўйича қўлланилиши мумкин. Шунингдек, қарз миқдори ҳам аҳамият касб этмайди, яъни ҳар қандай суммага нисбатан қўлласа бўлади. Аслида қарздорлар ёши эмас асосий масала уларнинг молиявий ҳолати бўлсада амалиётда қарзни қайта ҳисоблаш тартиби асосан қари ёшдаги ва ёш оиласарга нисбатан қўлланилади. Қарздорнинг бугунги кундаги молиявий ҳолати қарзни тўлаб беришига имкон бермаслиги мумкин, лекин у ёш ва келгусида молиявий аҳволи яхшиланиши ва қарзни тўлаб бериш имконига эга бўлади хulosага келинадиган бўлса унинг мурожаати рад этилиши ҳам мумкин.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, бу ҳолатда ундирувчининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясиз қолади деган хulosага келиниши мумкин. Бироқ, кроноинспектор қарзни қайта ҳисоблаш тўғрисидаги қарор лойиҳасини ундирувчи билан ҳам келишиши лозим. Агар кроноинспекторнинг бу қароридан ундирувчи норози бўлса судга мурожаат қилиши мумкин.

Ушбу тизимнинг белгиланган тартибда ишлаши ва унинг назоратини амалга ошириш механизми айниқса дикқатга сазовордир. Чунки, жараён тўлалигича электрон тизим орқали назорат қилинади. Агар қарздорга ушбу тартиб қўлланадиган бўлса режа бўйича тўлаши керак бўлган сумма электрон база орқали амалга оширилиши шарт. Қарздор режа талабини бажармаса ёки ўз вақтида бажармайдиган бўлса электрон тизим кроноинспекторни бу ҳақда огоҳлантиради ва дарҳол бу тартиб бекор қилиниб, умумий тартибдаги ижро ҳаракатлари амалга оширилади.

Бундан кўзланган мақсад - мазкур тоифадаги шахсларни қисман ёки

тўлиқ қарздан озод қилиб, уларнинг иқтисодий ҳолатини тиклашдир.

Миллий қонунчилигимизда ҳам шунга ўхшаш тартиб мавжуд, бироқ уни амалда қўллашда қарздорнинг жорий даромади ва мавжуд иқтисодий аҳволи, шунингдек унинг келгусидаги ҳаражатлари инобатга олинмайди. Қонун ҳужжатларида ҳукмнинг жарима солиш, фуқаровий даъвони қаноатлантириш ёки келтирилган зиённи қоплаш қисмининг ижро этилишини олти ойгача кечикириш ёки тўловларни бўлиб-бўлиб тўлаш масаласини судья ишнинг муайян ҳолатларини ва маҳкумнинг моддий аҳволини эътиборга олиб ҳал қилиши белгилаб қўйилган.²⁰ Бироқ, амалиётда ҳар қандай ҳолатда ҳам қарздорга қарзни фақатгина олти ой давомида бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилаётгани ушбу норма нотўғри талқин қилинаётганин кўрсатади. Ваҳоланки, қонун қарзни олти ойдан ортиқ муддатда ҳам бўлиб-бўлиб тўлашга йўл қўяди.

Фикримизча, ушбу амалиётни ҳам инсонпарварлик ва шахснинг иқтисодий аҳволи, унинг келгусида ўзи ва қарамоғидаги шахсларнинг нормал турмуш кечиришини таъминлаш имконини сақлаб қолиш инуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиши, ушбу тартибни нафақат жиноий-ҳуқуқий муносабатларда, балки барча турдаги қарз ундириш муносабатларида ҳам кенг қўллаш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Шунингдек, бугунги кунда ижро ишини юритишга оид амалда қонунчилигимизда қарздорнинг ҳуқуқлари тўлиқ ҳимояланган дея олмаймиз.

Чунки, миллий қонунчилигимиз қарздорга нисбатан кескин ва қатъий чораларни назарда тутади ва бунинг натижасида юқори самарадорликка эришилади. Натижадорлик яхши албатта, бироқ ижро иши юритувида нафақат ундирувчи манфаати, балки қарздорнинг ҳам шахсий ва давлат томонидан кафолатланиши лозим бўлган ҳуқуқларини унутмаслик лозим. Соҳанинг

²⁰ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. 533-модда.
<https://lex.uz/docs/111460#257034>

мураккаблиги ҳам шунда бўлиб, бу жараёнда қонуний ва ҳар икки тараф учун манфаатли қарор қабул қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мажбурий ижро ҳаракатлари жараёнида қарздордан олиб қўйилиши мумкин бўлмаган мулклар Ҳукумат қарори билан аниқ белгилаб қўйилган.²¹ Ушбу қарор билан қарздор ва унинг оиласи нормал турмуш кечириши учун зарур бўлган уй анжомлари ва жихозлари, кийимлар ҳамда бошқа буюмлар рўйхати тасдиқланган. Ушбу рўйхат пухта ўйлаб шакллантирилган бўлиб, бундан ўн икки йил илгари, яъни фуқароларнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаёт тарзи бугунги кунгидан сезиларли даражада фарқ қилган пайтда тузилган бўлишига қармай бугунги кунда ҳам самарали фойдаланиб келинаётганини таъкидлашимиз лозим. Бироқ, ундирувни қарздорнинг иш ҳақи ва бошқа даромадларига қаратиш механизми бироз мунозарали деб ҳисоблаймиз. Бугунги кундаги амалиёт қарздорнинг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган бошқа даромадларидан мажбурий ушлаб қолинаётган миқдор (%) юзасидан қарздорлар ёки уларнинг қарамоғидаги шахслардан кўплаб эътиrozлар бўлаётганини кўрсатмоқда.

Ундирув қарздорнинг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган бошқа даромадларига қаратилган ҳолларда ушлаб қолинаётган миқдор (%) юзасидан Сизга қарздор ёки унинг қарамоғида бўлган бошқа шахсларнинг эътирози бўлганми?

372 responses



²¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 14.04.2009 йилдаги “Қарздор ва унинг оиласининг нормал турмуш кечириши учун зарур бўлган, ижро ҳужжатлари бўйича ундирув қаратилиши мумкин бўлмаган уй анжомлари ва жихозлари, кийимлар ҳамда бошқа буюмлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги 110-сонли қарори. <https://lex.uz/docs/1470263?query=%D0%8B%D0%86%D1%80%D0%BE>

Диаграммада кўриниб турганидек, тадқиқотимиз жараёнида ўтказилган сўровномамизда иштирок этган жами 372 нафар давлат ижроининг аксарияти (64 %) ҳам айнан шундай эътиrozларларга дуч келаётганини таъкидлаганлар.

«Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонунга кўра ижро ҳужжатлари бўйича қарздорга ҳар ойда тўланадиган иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларнинг кўпи билан эллик фоизи ушлаб қолиниши мумкин. Бир неча ижро ҳужжатлари бўйича ундирув иш ҳақига ва унга тенглаштирилган тўловларга қаратилганда, ходимда иш ҳақининг эллик фоизи сақланиши лозим. Ушбу қоида аслида инсоннинг нормал турмуш кечириши учун минимал эҳтиёжини таъминлашни назарда тутади. Лекин, Ўзбекистонда инсоннинг нормал турмуш кечириши учун минимал ҳаражатларнинг ўзи ҳанузгача узил кесил тасдиқланмаган.

Кўплаб ривожланган мамлакатлар АҚШ, Германия ва ҳаттоқи Россия, Белорусия ҳамда собиқ совет иттифоқининг бошқа бир неча мамлакатларида ҳам “прожиточный минимум” ва “потребительская корзина” тушунчалари мавжуд бўлиб, улар бўйича аниқ миқдорлар белгилаб қўйилган. Бу давлатларда ҳар қандай турдаги иқтисодий ва молиявий муносабатлар ушбу стандартлар инобатга олинган ҳолда амалга оширилади.

Ўзбекистонда ҳам «Тирикчилик учун зарур энг кам миқдор» ва «Истемол саватчаси» тушунчаларини ҳукукий жиҳатдан тартибга солиш 2018 йилдан эътиборан асосий вазифалардан бири сифатида қун тартибида турибди²².

«Истемол саватчаси» – муайян вақт давомида инсон ҳаёти ва унинг саломатлигини сақлаш учун зарур маҳсулотлар, товарлар ва хизматларнинг энг кам тўплами.

²² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 22.01.2018 йилдаги “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион гоялар ва технологияларни кўллаб-кувватлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги ПФ–5308-сонли Фармони. <https://lex.uz/docs/3516847>

Хукумат расмийлари истеъмол саватчаси ва яшаш даражаси минимумини ҳисоблаб, эълон қилиш учун ҳеч қандай муаммо йўқлиги, 2020 йил давомида яшаш минимуми ва минимал истеъмол саватчасига оид рақамлар эълон қилинишини маълум қилган бўлсада²³, бунга амалда эришилмади. Иқтисодиёт соҳасининг мутахассислари бунга бир неча омилларни, жумладан бюджет харажатларига қўшимча юк бўлиши мумкинлигини ҳам инкор қилмайди. Чунки, Ўзбекистонда 13 миллион одам меҳнат қилаётган бўлса, улардан 4,5 миллионга яқини солиқ тўлайди. Қолганларнинг даромади ҳақида расмий ҳисоб йўқ.²⁴ Давлат бюджетининг асосий манбаларидан бири солиқ эканлигини эса барчага маълум.

Эҳтимол, иқтисодий муносабатларда фуқароларнинг нормал ҳаёт кечириши учун энг кам миқдор эътиборга олинмаётганлиги уларнинг қарз муносабатларига кириб қолишларига сабаб бўлаётгандир?

2019 йилдан эътиборан амалиётга татбиқ этилган “меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори” тушунчаси бу борада қўйилган йирик қадам эканини эътироф этишимиз лозим албатта. Ҳозирда Ўзбекистонда меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори — ойига 747 300 сўмни ташкил этмоқда.²⁵

Бироқ, ижро ҳаракатларида давомида қарздор иш ҳақининг 50 фоизига ундирувнинг қаратилиши унинг турмуш тарзини оғирлаштиради, қолаверса коммунал ва бошқа мажбурий ижтимоий тўловларни ўз вақтида тўлаб боришини қийинлаштиради. Бунинг оқибатида эса яна янги қарздорликлар келиб чиқиши ва шахс “банкротлик” ҳолатига келиб қолиши мумкин.

²³ <https://kun.uz/news/2020/01/27/2020-yil-davomida-istemol-savatchasi-va-yashash-darajasi-minimumi-elon-qilinadi-jamshid-qochqorov>

²⁴ <https://kun.uz/news/2020/11/09/ozbekistonda-istemol-savatchasi-nega-qabul-qilinmayaptii>

²⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.12.2020 йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида»ги қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ти ПФ–4938-сонли Қарори. <https://lex.uz/docs/5193227>

Бироқ, ушбу сумма ижро иши бўйича қарздор сифатида иштирок этаётган шахснинг нормал турмуш тарзини кафолатлай оладими? Буни куйидаги мисол ёрдамида таҳлил қилишимиз мумкин.

Айтайлик, ижро иши бўйича қарздор сифатида иштирок этаётган шахснинг ойлик маоши 800 минг сўмни ташкил этади. Мажбурий ижро ҳаракатлари давомида ундирув ушбу сумманинг 50%ига қаратиладиган бўлса, қарздор 400 минг сўм билан бир ой давомида кун кечиришга мажбур бўлади. Ушбу суммага у нафақат оиласи, балки ёлғиз ўзи ҳам кун кечира олмаслигини тасаввур қилиш қийин эмас. Кун кечиришдан ташқари, коммунал ва бошқа ижтимоий тўловлар ҳам мажбурий бўлиб, уларнинг ўз вақтида тўланмаслиги унинг иқтисодий ночор ахволга олиб келиб қўяди ва бу эса ижро органига айнан шу шахснинг ўзидан яна янги қарз ундириш тўғрисидаги ижро хужжатлари келиб тушишига сабаб бўлади.

Шундай экан, фикримизча, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, ижро ишини юритишда қарздорнинг ҳам кафолатланган хукуқларини, у ҳам жамиятдаги бошқа шахслар қатори teng хукуқли аъзоси эканини унутмаслик лозим. Зеро, ўзининг ва оиласининг кун кечириши учун минимал шароитга эга бўлмаган шахс ўзи истаган тақдирда ҳам ҳеч қачон бошқа бирорнинг олдидағи қарздорлигини сўндира олмайди.

Бу борада ҳам Швеция тажрибасини эътиборни тортади. Бу мамлакат инсон хукуқларининг кафолати ва ижтимоий ҳаёт даражаси бўйича дунёning етакчи мамлакатларидан биридир.

Швеция амалиётига кўра, давлат органларига ҳар йилнинг декабрь ойида кейинги йилда ҳаражат қилиниши мумкин бўлган маблағлар тўғрисидаги маълумот Ҳукумат томонидан юборилади. Ушбу маълумот асосида шахснинг нормал ҳаёт кечириши учун (бир йил) давомида сарфлаши мумкин бўлган маблағлари ҳисобланади. Бунда, ҳисоб-китоблар бир кун, бир ҳафта, икки ҳафта ва бир ой кесимида ёлғиз шахслар, оиласи (турмуш ўртоғи ёки унга тенглаштирилган шахслар), календарь йили давомида 6 ёшга тўладиган вояга

етмаганлар ҳамда 7 ёш ва ундан катта фарзандларнинг ҳар бири учун алоҳида кўзда тутилади. Мазкур ҳисоб-китоблар билан исталган шахс Ижро органининг расмий веб сайти орқали танишиши мумкин.²⁶

Мажбурий ижро ҳаракатлари жараёнида ундирув фақатгина қарздорнинг ойлик даромадларининг мазкур ҳаражатлардан ортган қисмигагина қаратилиши мумкин. Яъни, ушбу қоидага ундирувни қарздорнинг иш ҳақига қаратиш, банк ҳисоб рақамидаги пул маблағларидан мажбурий тартибда олиб қолиш каби ижро ҳаракатларида қатъий риоя этилиши талаб этилади.

Тўғри, бундай тартиб ижро ҳужжатларининг талаби тўлиқ бажарилишига ва қарздорлик сўзсиз ундириб олинишига салбий таъсир кўрсатиши, оқибатда ундирув самарадорлиги юқори бўлмаслиги ҳам мумкин. Жумладан, Кронофогден фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичи 2020 йилда атиги 14% ни ташкил этган ҳолос, бу эса Бюро фаолиятининг самарадорлиги (56%) билан қиёслаганда жуда паст кўрсаткичдек кўринади. Лекин, бу амалиётдан кўзланган асосий мақсад, муайян турдаги ижро ҳужжати бўйича ижро органи томонидан мажбурий ижро ҳаракатлари оқибатида қарздорнинг иқтисодий аҳволини янада оғирлаштиришнинг олдини олишдир. Яъни, бу ҳолатда қарздорнинг иқтисодий аҳволи оғирлашиши ҳамда яна бошқа муносабатларда ҳам қарздор бўлиб қолишининг олди олинади. Мисол учун, солиқ қарзлари, коммунал тўловлар ва ҳ.к.

Ушбу амалиёт ўзининг социологик хусусиятига кўра ижро иши юритуvida нафақат ундирувчининг балки қарздорнинг ҳам хуқуқларини кафолатлайди. Бирок, мазкур муносабатлар бир-бирини инкор этиб, манфаатлар тўқнашувидан иборат бўлган мураккаб жараёндир. Шунга кўра бу тажрибани мамлакатимизда хуқуқшунослик, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳада фаолият юритаётган олимлар ҳамда катта тажрибага эга бўлган амалиётчилар

²⁶ <https://kronofogden.se/Foreskrifter.html>

билин ҳамкорликда чукур ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади деган фикрдамиз.

Миллий қонунчилигимизга кўра фуқаролик ҳамда иқтисодий процессда ишларни низосиз ҳолатда судда муҳкама ўтказмасдан кўриб чиқиш ва мустақил ижро хужжати ҳисобланадиган суд буйругини бериш амалиёти мавжуд. Мисол учун, қарз муносабатларини оладиган бўлсак, жавобгар тарафнинг ўртадаги қарздорлик юзасидан даъвогарга нисбатан эътирози бўлмаса ушбу масалани судда кўриб чиқишга қай даражада зарурат бор эканини ўйлаб кўриш мумкин. Бу борада ҳам Швеция тажрибасига назар солиш мумкин.

Хусусан, ушбу мамлакат қонунчилигига Кронофогденга тарафларни тинглаш ва қарор чиқариш (қарзни тасдиқлаш) ваколати ҳам берилган. Ушбу тартиб қарзни – тарафлар ўртасида юзага келган ва улардан бири иккинчи тарафга ихтиёрий равишда тўловни амалга оширишдан бўйича товлаб юрган вазиятларда қарзни тўғридан - тўғри (судда муҳокама қилмасдан) ижрога қаратишида ифодаланади. Кўзланган мақсад қисқа фурсатда, соддалаштирилган тартибда ва суднинг аралашувисиз тўловни амалга оширишdir. Бу ҳолатда Кронофогден ходимининг чиқарган қарори ижро хужжати ҳисобланади. Ушбу тартиб ҳар қандай турдаги муносабатларда, яъни мулкий ёки номулкий ундирувлар бўйича ҳам қўлланилиши мумкин. Ҳар иккала турдаги ундирувлар бўйича бирор бир чеклов белгиланмаган. Ушбу жараёнда ҳар иккала тараф жисмоний ёки юридик шахс ҳам бўлиши мумкин.

Кронофогден томонидан бу хизмат албатта муайян тўлов эвазига амалга оширилади. Масалан, қарз Кронофогден қарори билан тасдиқланадиган бўлса, қарорда нусҳаси жавобгарга юборилади ва унга қарзни ихтиёрий равишда тўлаши учун муайян муддат берилади. Фақат бу ҳолатда жавобгар нафақат қарздорлик суммасини балки, Кронофогден томонидан амалга оширилган қарзни тасдиқлаш хизмати учун белгиланган суммани ҳам тўлаши лозим бўлади. Агар белгиланган муддатда қарздорлик бартараф этилмаса

Кронофогден мажбурий ижро ҳаракатларига киришади ва бу жараёнда қарздорга нисбатан қўшимча жарималар қўллаши, ҳар бир огохлантириш хати юбориши учун тўловлар олиши ва бошқа санцияларни қўллаши мумкин бўлади. Яъни, ижтимоий ёки иқтисодий муносабатлар субъектлари ўртасида ўзаро ҳал қилинмасдан, Кронофогденning аралашуви билан қарздорлик тасдиқланиши ва ундирилиши қарздор учун янада кўпроқ ҳаражат демакдир. Шунинг учун барча турдаги шартномавий муносабатларда тарафлар ўз мажбуриятларини имкон қадар белгиланган муддатда ҳамда лозим даражада бажаришга ҳаракат қиласидилар. Ушбу усул жамиятдаги муносабатлар, хусусан жисмоний ёки юридик шахслар ўртасидаги муносабатлар давлат органлари аралашувисиз ўзаро ечимини топишига хизмат қиласиди.

Бу амалиётни қарз муносабатларини судгача ҳал қилишга янгича ёндашув дейиш мумкин.

Бу тартиб ҳар қандай ҳолатда ҳам узил кесиллик касб этмайди албатта, агар жавобгар тараф даъвогар талабидан норози бўлса, яъни ушбу муносабатда низо мавжуд бўлса иш судда кўриб чиқилади. Ёки даъвогар тўғридан - тўғри судга мурожаат қилиши ҳам мумкин.

Фикримизча, ушбу амалиётни ҳам миллий қонунчилигимизга имплементация қилиш масаласини кўриб чиқиш мумкин.

Кронофогденning яна бир вазифаси банкротликни бошқариш жараёни устидан назорат қилишдир. Бундан кўзланган мақсад, тугатиш бошқарувчиси томонидан қарздор, яъни банкрот деб топилган ва тугатилаётган корхона мансабдор шахслари мол-мулкларни яшириш эҳтимолини суриштириш ва бунинг олдини олиш борасидаги вазифасини тўғри бажаришини назорат қилишдир.

Ўзбекистон қонунчилигига кўра ҳам банкротлик жараёни аксарият ҳолатларда ижро иши юритувидан кейинги жараён ҳисобланади. Агар хўжалик юритувчи субъект банкрот деб топилган тақдирда Бюро томонидан олиб борилаётган мажбурий ижро ҳаракатлари тамомланади. Давлат

ижрочиси хатлаб, олиб қўйилган мол-мулклар ҳам тугатиш бошқарувчиси ихтиёрига ўтади, кейинги ҳаракат тугатиш бошқарувчиси томонидан амалга оширилади. Банкротлик жараёнида ҳам ижро иши юритуvida бўлгани каби қарзларни тўлаб бериш навбатлари мавжуд бўлиб, кўп жиҳатдан ҳар иккала жараёнда ҳам ўхшаш қоидалар амал қиласди.

Бироқ, менинг назаримда, Ўзбекистонда банкротлик жараёнига оид муносабатларни тартибга соловчи қонун ҳужжатларидаги айrim нормалар ижро иши юритувини тартибга соловчи қонун ҳужжатлари нормаларига зид келади.²⁷ Мисол учун, бу ҳолатни ундирувчилар, бошқача айтганда кредиторлар талабини қаноатлантириш навбатида кўришимиз мумкин.

Масалан, ижро иши юритувига оид қонун ҳужжатида мажбурий тўловлар, айтайлик солик қарзи, биринчи навбатда тўлаб берилиши белгиланган бўлса, банкротлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларида ушбу талаб иккинчи навбатга қўйилган. Яъни, ижро иши юритишида нисбатан кам аҳамиятли деб ҳисобланган тўловларга аксинча, банкротлик жараёнида устунлик берилган.

Ёки, адвокатлар томонидан кўрсатилган юридик ёрдам ҳақи ишини юритиш жараёнида биринчи навбатда тўланиши белгиланган бўлса, банкротликда ушбу тўлов тўртинчи навбатга қўйилган.

Бундан ташқари, банкротлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига қўра агар қарздор кредиторнинг талабини қондириш унинг бошқа кредиторлар олдидаги пул мажбуриятини бажаришини имконсиз қилиб қўйишга олиб келадиган бўлса иқтисодий судга мурожаат этиши шарт. Аризада қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклашга ёхуд тугатишга доир таомилларни қўллаш зарурлигини кўрсатиши мумкинлиги белгилаб қўйилган. Бироқ, тадбиркорлик суъбектларидан қарз ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатларининг мавжудлиги назарда тутилаётган норма амалда ишламаслигидан далолат

²⁷ Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги 474-II-сонли Қонуни. <https://lex.uz/docs/955375>

беради.

Ўзбекистондаги ушбу ҳар икки соҳадаги фаолиятни чуқур таҳлил қилиш, бунда ҳорижий мамлакатлар, жумладан Швеция тажрибасини ҳам ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Лекин бу бошқа бир мавзу бўлиб, соҳа мутахассислари билан ҳамкорликда алоҳида тадқиқот ишлари ўтказилишини талаб этади.

П. БОБ. СУД ҲУЖЖАТЛАРИ ВА БОШҚА ОРГАНЛАР ҲУЖЖАТЛАРИНИ ИЖРО ҚИЛИШГА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ

2.1. Ижро ҳужжатларини электрон шаклда ижрота тақдим этишдаги мавжуд муаммолар таҳлили.

Дастлаб, ижро ҳужжатларини ижрота қаратишида ахборот тизимларидан фойдаланиш давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 30 августдаги “Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенгроқ жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3250-сон қарорига билан жорий этила бошланган эди. Кўзланган мақсадлардан бири одил судловни амалга ошириш ҳамда судлар қарорларининг ижросини таъминлашда судларнинг мажбурий ижро органлари билан самарали ҳамкорлигини таъминлаш бўлиб, ушбу қарор билан тасдиқланган дастурга мувофиқ суд ҳужжатларини ижрота электрон шаклда бошқа ахборот тизимлари билан интеграциялаш орқали юбориш имкониятини жорий этиш режалаштирилган эди.

Ижро ҳужжатларини ахборот тизимлари орқали электрон равишида юбориш ва уларни қўриб чиқиши қатор афзалликларга, жумладан вақт ва маблағ тежалишига, ижро ҳужжатларининг аниқ ҳисобини юритишига, қоғоз сарфини қисқартиши ва судлар ҳамда Бюро органлари фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қиласи.

Қарор ижросини таъминлаш мақсадида Олий суд ва Бюро ўртасида Кўшма топшириқ имзоланиб, E-SUD ва Бюронинг ахборот тизимини ўзаро интеграция қилган ҳолда 2019 йилнинг апрелидан эътиборан қонуний кучга кирган суд қарорлари бўйича бериладиган ижро ҳужжатлари (ижро варақаси, ажрим ва суд буйруқлари) электрон шаклда “онлайн” ижрота қаратилиб келинмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 13.03.2018 йилдаги “Ижро ҳужжатлари юзасидан қарздорликларни ундириш масалалари бўйича ягона идоралараро электрон ҳамкорлик тизимини яратиш тўғрисида”ги ПҚ-3597-сон қарорига мувофиқ Ижро ҳужжатлари юзасидан қарздорликларни ундириш масалалари бўйича ягона идоралараро электрон ҳамкорлик тизимини (Ягона электрон ҳамкорлик тизими) яратилган бўлиб, бугунги кунда деярли барча ижро ҳужжатлари судлар ва бошқа ваколатли органлар томонидан Бюрга электрон шаклда юборилиши йўлга қўйилган.

Ижро ҳужжатлатларини электрон шаклда ижрога тақдим этиш амалиёти бошланганидан буён ўтган давр мобайнида дуч келинган муаммолар таҳлил қилиниб, улар имкон қадар бартараф этиб келинган, бугунги кунда мазкур ахборот алмашинув амалиёти нисбатан стабиллашган бўлсада бу борада ҳали муаммолар тўлиқ бартараф этилган деб бўлмайди.

Ушбу соҳадаги муаммолар ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилинадиган бўлса, даставвал унинг асосига юзланишимиз лозим.

Ижро ҳужжатларини электрон шаклда ижрога тақдим этишда ҳанузгача муаммолар мавжуд деган фикримизни тадқиқотимиз давомида ўтказилган сўровномада иштирок этган давлат ижрочилари ҳам тасдиқламоқда.

Хусусан, сўровнома иштирокчиларининг 92,7 фоизи бугунги кунда “онлайн” келиб тушаётган ижро ҳужжатларининг барчаси ҳам қонуннинг 8-моддаси талабига жавоб бермаслигини таъкидламоқда.

Чунонан, Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 24-моддасига кўра ижро ҳужжати шу Қонуннинг 8-моддасида назарда тутилган талабларга мувофиқ бўлмаса, ёхуд зарур ҳужжатларни уларга қўйиладиган талабларга мувофиқ ҳолда расмийлаштириб ижро ҳужжатига илова қилиш тўғрисидаги талабга риоя қилинмаган бўлса, давлат ижрочиси ижро ҳужжатини олган

кундан эътиборан уч кунлик муддат ичида қайтариб юбориши қатъий белгилаб қўйилган.²⁸

“Онлайн” ижрога қаратилаётган ижро хужжатларининг аксарияти (92,7%) қонун талабига жавоб бермайди деган хulosага келинаётган ишларни таҳлил қилдик. Жумладан, ушбу турдаги ижро хужжатлари асосан коммунал ундирувлар ҳамда ИИБ ЙҲҲБ томонидан тақдим қиласанётган ижро хужжатлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Ижро хужжатига қўйилган талаблар бажарилмагани сабабли улар ижро қилинмасдан юборган суд (органлар)га қайтарилиши икки давлат органлари ўртасида тушунмовчилик ва эътиrozларга ҳам сабаб бўлаётганини қўриш мумкин. Ушбу ижро хужжатлари Қонуннинг 8-моддаси талабига жавоб бермайди деб ҳам бўлмайди, чунки уларда барча зарурий маълумотлар ижрога қараталаётган суд ёки бошқа орган томонидан акс эттирилади. Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.11.2020 йилдаги “Суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини ижро этиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6118-сон Фармонига мувофиқ айrim турдаги, жумладан коммунал тўловлар бўйича қарздорлик ҳамда йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун тайинланган жарималарни мажбурий ундирувга қаратиш учун бир қатор талаблар жорий қилиниши белгиланган эди.

Фармонда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонун хужжатларига суд хужжатлари бажарилиши бўйича давлатнинг мажбурлов кучини сафарбар қилмаган ҳолда уларнинг ихтиёрий ижро қилинишини янада кенг татбиқ этиш, яъни айrim тоифадаги суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларининг ижросини таъминлаш чоралари натижасиз бўлган тақдирда, мазкур хужжатларни охирги чора сифатида мажбурий ижро органларига тақдим этиш тартибини жорий этишга

²⁸ Ўзбекистон Республикасининг “Суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуни. 24-модда. <https://lex.uz/docs/26477>

қаратилган айрим ўзгартиш ва қўшимчаларни назарда тутувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси юклатилган бўлиб, унга қўра қўйидаги тартиблар жорий қилиниши лозим эди.

Жумладан:

- истеъмол қилинган энергия ресурслари ва ичимлик суви учун мажбурий тўловларни ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатлари — ижро ҳужжатини бериш тўғрисидаги ариза ваколатли орган ёки мансабдор шахсга берилгунига қадар истеъмолчи энергия ресурслари тармоқлари ва сув таъминотидан узилганлигини (қонунчиликка мувофиқ тармоқдан узиш мумкин бўлмаган истеъмолчилар бундан мустасно) тасдиқловчи ҳужжатни ижро ҳужжатига илова қилган тақдирда;

- маъмурӣ жарима қўллаш тўғрисидаги ижро ҳужжатлари — ижро ҳужжати жаримани унинг иш ҳақи ёки бошқа маошидан, нафақасидан ёки стипендиясидан ушлаб қолиш орқали ижро ҳужжати ижросини таъминлаш учун тегишли иш ҳақи ёки бошқа маошни, нафақа ёки стипендияни тўлашни амалга оширувчи ташкилотга тақдим этилганидан сўнг (хуқуқбузар ишламаётган ёки унинг иш жойи номаълум бўлган ҳолатлар бундан мустасно) ихтиёрий ундирув натижасиз бўлган тақдирдагина мажбурий ижрога қаратиш назарда тутилган эди.²⁹

“Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони қонуности ҳужжат ҳисоблансада амалиётда унинг қонунданда устун қўлланилаётгани юкорида баён этилган ижро ҳужжатлари мазкур Фармонга асосланган илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар йўқлиги сабаб қайтарилаётганида ифодаланади.

²⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.11.2020 йилдаги “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6118-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/5124086>

Ваҳоланки, Фармонда шундай тартиб ўрнатилиши эмас, ушбу тартибни назарда тутган ҳолда қонунларга тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилиши ҳақида вазифлар белгиланган эди.

Хулоса қилиб айтганда, Қонуннинг 24-моддаси диспозициясида баён этилган “зарур хужжатларни уларга қўйиладиган талабларга мувофиқ ҳолда расмийлаштириб ижро хужжатига илова қилиш тўғрисидаги талабга риоя қилинмаган бўлса” деган норманинг ўзи мавҳумлик касб этади. Яъни, қайси турдаги ижро хужжатига айнан қандай хужжатлар илова қилиниши аниқ белгилаб қўйилмагани оқибатида бугунги кунда айрим ижро хужжатларининг ижросига ўз вақтида киришилмаётгани ҳамда уларни “онлайн” ёки анъанавий тарзда ижрога қаратиш амалиётида тушунмовчиликларга сабаб бўлмоқда.

Шунингдек, ўтказилган таҳлиллар мавжуд дастурий тизимларда айрим турдаги ижро хужжатлари тўғрисидаги маълумотлар нотўғри киритилиши, мисол учун, жисмоний ёки юридик шахслар фойдасига “давлат божи”ни ундириш тўғрисидаги ижро хужжатларида ундирувчини “давлат” этиб киритилиши каби хатоликлар ҳисоботлардаги тафовутларни келтириб чиқараётгани кўрсатмоқда.

Кўплаб давлат ижроҷилари “онлайн” тақдим қилинган ижро хужжатларида аксарият ҳолларда қарздорга оид маълумотлар (паспорт маълумотлари ва ҳ.к.) нотўғри киритилиши ёки умуман бошқа бир шахснинг паспорт маълумотларини киритиш, ижро варақада бошқа дастурда эса умуман бошқа қарз суммасини кўрсатиш каби ўхшаш камчиликларга йўл қўйилаётгани, ушбу ижро хужжатлари ижросиз қайтирилишага қарамасдан яна айнан шу камчилик билан такрор ва такрор қайта юборилаётганини таъкидлайдилар.

Ижро хужжатини “онлайн” ижрога қаратиш амалиёти айрим судлар мисолида таҳлил қилинганида яна бир муаммо кузатилади. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, идоралараро электрон хужжат алмашинувидан кўзланган мақсадлардан бири тезкорлик, хусусан ижро хужжатларини ўз

вақтида ижрода қаратилиши ҳамда қисқа фурсатларда унинг ижросини таъминлашдан иборатдир. Бироқ, баъзи судлар томонидан қабул қилинган қарорлар қонуний кучга кирган куннинг ўзида ижрода юборилмасдан ой якунида жамланган ҳолда ижрода қаратилиши давлат ижрошлиари томонидан ҳар бир ижро ҳужжати Қонунга мувофиқ расмийлаштирилгани ёки ундаги айrim камчиликлар мавжудлиги сабабли ижро қилмасдан қайтариш ҳақида қонунда белгиланган муддат ичидаги қарор қабул қилишига салбий таъсир кўрсатиши, айrim ҳолларда эса бу жараёнда процессуал муддатлар бузилиш ёки белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган ижро ҳужжатлари бўйича ҳам ижро иши юритувини қўзғатиш ҳақидаги қарорлар қабул қилинишига сабаб бўлиши мумкин. Чунки, давлат ижрошлиси ижро ҳужжатини олган пайтдан эътиборан бир иш куни ичидаги ижро иши юритишни қўзғатиш тўғрисида қарор чиқариши талаб этилади. Сўровномамиизда иштирок этган давлат ижрошлиарининг 72 %дан ортиғи Қонуннинг 23-моддаси билан ижро иши юритишни қўзғатиш ёки 24-моддаси билан рад этиш ва қайтариш тўғрисидаги қарорларни инсон омили аралашувисиз, автоматик тарзда бажарилишига ижобий муносабат билдиришган. Чунки, Қонунда белгилаб қўйилган ҳолатлар бўйича қабул қилиниши шарт бўлган қарорларни ўз вақтида қабул қилинмаслигига уларнинг 75 %дан ортиғи иш ҳажмининг кўплиги сабаб эканини маълум қилмоқдалар.

Шунга кўра, қонунда қандай қарор қабул қилиниши аниқ белгилаб қўйилган вазиятлар, яъни ижро ҳужжати белгиланган тартибда расмийлаштирилган ижро ҳужжатлари бўйича ижро иши юритувини қўзғатиш ёки қўзғатишдан рад этиш ва уни берган орган (ундирувчи)га ижросиз қайтариш жараёнини инсон омили аралашувисиз амалга ошириш масаласини кўриб чиқиш фикримизча мақсадга мувофиқ бўлади.

Албатта, ижро ишини қўзғатиш ёки қўзғатишдан рад этиб, қайтаришни автоматлаштириш орқали инсон омили тўлиқ инкор қилинадига деган холосага келишимиз тўғри бўлмайди. Илгари сураётган таклифимиз

маъқулланган тақдирда ҳам ижро ҳужжатининг кейинги тақдири, яъни унинг ижро қилиниши ёки қайтарилиши уни юбораётган органнинг ахборот тизими фаолиятига ёки мансабдор шахси ёҳуд ундирувчининг ҳаракатига, яъни ижро ҳужжати Бюрга юборилаётганда дастурга ижро ҳужжати бўйича аниқ ва ҳаққоний маълумотлар киритилиши ва илова қилинишига боғлиқ бўлиб қолади. Шу нуқтаи назардан, ижро ишини қўзғатиш масаласи автоматлаштирилган тақдирда амалдаги Қонуннинг 40-моддаси биринчи қисмининг 2-бандида ижро ҳужжатида келтирилган ёки унга илова қилинган маълумотлар нотўғри экани аниқланган ҳолатларни ҳам назарда тутиш лозим бўлади.

Бундан ташқари, бугунги кунда амалиётда судлар ёки бошқа ваколатли органлар томонидан ундирувчиларга берилган ёҳуд илгари давлат ижрочиси томонидан қайтарилиган ижро ҳужжатлари ундирувчилар томонидан мажбурий ижрога топширилаётганида албатта мурожаатга илова қилинган ҳолда тақдим қилинди. Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ ҳар бир мурожаатга жавоб хати берилиши талаб этилади ва бу талабнинг бажарилмаслиги мансабдор шасх (давлат ижрочиси ёки унинг раҳбари)нинг тегишли жавобгарлигига асос бўлади.

Ижро иши юритишни қўзғатиш тўғрисидаги қарор нусхаси у чиқарилган куннинг эртасидан кечиктирмай ундирувчига, қарздорга, шунингдек ҳужжати ижро этилиши лозим бўлган суд ёки бошқа органга юборилиши Қонун билан белгилаб қўйилгани сабабли бунга қўшимча мурожаатга жавоб хати юборишни ортиқча расмиятчилик десак муболаға бўлмайди. Сўровномамиизда иштирок этган давлат ижрочиларининг 88 %дан ортиғи ҳам айнан шу фикрда эканини маълум қилганлар.

Юқорида баён этганимиздек, ижро ҳужжатини электрон шаклда ижро органининг веб сайти орқали ижрога топшириш амалиёти, кўплаб ҳорижий мамлакатларда, жумладан Швециянинг тажрибаси мисолида ҳам кўриш

мумкин. Унинг афзаллиги биричи навбатда ижро ҳужжатини ижрога топширишда ундирувчиларга қулайлик яратади, почта ёки бошқа ортиқча ҳаражатларни инкор қиласи, қолаверса турли сабаблар билан ёки инсон омилига кўра мурожаатнинг ижро органига кирим бўлмай қолишининг, қонунда белгиланган муддатларда ижро ишини юритиш қўзғатилмай қолишининг олдини олиб, ушбу муносабатларда ундирувчи ва ижро органи ўртасида тезкор маълумот алмашинувини таъминлайди.

2.2. Ундирилган маблағларни тақсимлашнинг жорий ҳолати ва уни янада такомиллаштириш масалалари.

Аксарият ижро ҳужжатлари бўйича бир эмас бир нечта ундирувчилар иштирок этади. Одатда улар нафақат жисмоний шахслар бўлади, балки ундирувчилар қаторида давлат ёки бошқа юридик шахслар ҳам бўлиши мумкин. Ижро ҳаракатлари давомида қарздордан ундирилган пул суммаси ижро ҳужжатлари бўйича барча талабларни қаноатлантириш учун етарли бўлмаса ундирувчиларнинг талаблари навбат бўйича қаноатлантирилади. Ўзбекистон қонунчилигига кўра ижро иши юритувида ундирувлар қўйидагича олти навбатга ажратиб қўйилган:

Биринчи навбатда бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича талаблар; меҳнатга оид муносабатлардан келиб чиқадиган талаблар; алиментлар ундириш бўйича талаблар; муаллифлик шартномалари бўйича ҳақларни тўлаш бўйича талаблар; ҳаётга ёки соғлиққа етказилган зарарни қоплаш бўйича талаблар; адвокатлар томонидан кўрсатилган юридик ёрдам ҳақини тўлаш бўйича талаблар;

Иккинчи навбатда ижтимоий сугурта бўйича талаблар; жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик оқибатида жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкига етказилган зарарни қоплаш бўйича талаблар;

Учинчи навбатда мажбурий сугурта органларининг талаблари;

Тўртинчи навбатда кредиторларнинг мол-мулк билан таъминланган талаблари;


Бешинчи навбатда мол-мулк билан таъминланмаган талаблари;

Олтинчи навбатда қолган барча талаблар қаноатлантирилади.

Агар ундирилган сумма бир навбатдаги барча талабларни тўла қаноатлантириш учун етарли бўлмаса, улар ҳар бир ундирувчига тегишли суммага мутаносиб равишда қаноатлантирилади.³⁰

Ушбу нормани амалиётда қўллаш аҳволи ва бунга давлат ижро чилари ҳамда ундирувчиларнинг муносабатини ўрганишга ҳаракат қилдик. Амалиётдан олинган маълумотлар асосида ўтказган таҳлилларимиз ундирилган пул маблағларини навбат бўйича тақсимланишидан аксарият ундирувчилар норози эканини кўрсатмоқда. Айниқса, давлат ва бошқа ундирувчилар мавжуд бўлган ижро ҳужжатлари бўйича қисман ундирилган қарздорлик фақатгина давлат фойдасига йўналтирилгани сабабли бошқа ундирувчиларга - жисмоний шахслар ёки тадбиркорлик субъектларига ундирилган маблағ етмай қолмоқда.

Давлат ва бошқа бир неча ундирувчилар мавжуд бўлган ижро ҳужжатлари бўйича ундирилган суммани тақсимлаш



Жумладан, тадқиқотимиз давомида давлат фойдасига ҳамда бошқа ундирувчилар фойдасига ундирувни назарда тутувчи ижро ҳужжатларининг

³⁰ Ўзбекистон Республикасининг «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги ЎРҚ-257-II-сонли Қонуни. <https://lex.uz/docs/26477#27931>

ўртача неча фоизида давлатдан бошқа ундирувчиларнинг талаблари қаноатлантирилгани юзасидан давлат ижрочилари ўртасида ўтказган сўровнома натижасида юқоридаги маълумотга эга бўлдик.

Хусусан, ушбу сўровномада жами 372 нафар давлат ижрочиси иштирок этган бўлса, шундан 19,6 % иштирокчи ўз иш юритувидаги ижро хужжатларининг атиги 0-10%гача бўлган қисмида давлатдан бошқа ундирувчилар ҳам ундирувдан манфаатдор бўлганини маълум қилган бўлса, яна 19,4 % иштирокчининг амалиётида бу кўрсаткич 10-25%ни, 25,8 % иштирокчи эса иш юритувидаги ижро хужжатларининг 50%гача бўлган қисмида иккинчи ва кейинги навбатдаги ундирувчиларга ҳам ундирилган маблағ тақсимланганини таъкидлаганлар.

Бу эса давлатдан бошқа барча ундирувчилар ижро ҳаракатларидан норози бўлиб, ҳуқуқлари бузилаётганидан шикоят қилишига олиб келади. Хусусан, сўровномамиз иштирокичларининг қарийб 72 %и ундирувлар навбатини амалиётда қўллашда ундирувчиларнинг эътирозига мунтазам равишда дуч келаётгани, кўпчилик амалиётчилар мазкур тартибни қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ эканини таъкидламоқдалар.

Бу борада Швеция амалиёти социологик жиҳатдан бироз жозибадор бўлиб, ижро иши юритувининг барча иштирокчилари ҳуқуқларини тенг ҳимоя қилади. Яъни, ундирилган сумма қарздорликни тўлиқ сўндириш учун етарли бўлмаса барча ундирувчилар ўртасида пропорционал равишда тақсимланади. Фақатгина алимент, банкротлик жараёнида тўланмай қолинган иш ҳақи билан боғлиқ қарздорлик ва давлат фойдасига айрим турдаги ундирувлар биринчи навбатда ундирилиши белгилаб қўйилган,³¹ эътибор беринг, давлат фойдасига барча турдаги ундирувлар эмас фақатгина айримлари ҳолос.

Хатто бу тартиб фақатгина ундирув қарздорнинг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган бошқа даромадларига қаратилган тақдирдагина амал

³¹ The Enforcement Code of Sweden. (1981:774) Section 14 of Chapter 7 and Section 6 of Chapter 13.

қилади. Мажбурий ундирувнинг бошқа чоралари, масалан ундирув қарздорнинг кўчмас мулкига қаратилиши натижасида ундирилган маблағлар барча ундирувчилар ўртасида тенг улушда, яъни пропорционал тартибда тақсимланади.

Ушбу тартиб ижро ишида иштирок этаётган барча ундирувчилар ундирилган суммадан қисман бўлсада манфаатдор бўлишини таъминлайди. Шу нуқтаи назардан Швеция қонунчилигидаги ушбу амалиётни чукур ўрганиш ва Ўзбекистон қонунчилигининг бу борадаги амалдаги тартибини қайта кўриб чиқиши мақсадга мувофиқ бўлади деган фикрдаман.


Шунингдек, ундирилган маблағларни тақсимлаш амалиётда тўлалигича инсон омилига боғлиқ бўлиб, давлат ижрочиларининг буюртманомасига кўра тақсимот депозит бўйича мутахассислар томонидан амалга оширилади. Ваҳоланки ҳар қандай ҳолатда ҳам мажбурий ижро ҳаракатлари давомида ундириладиган маблағлар Бюронинг депозит ҳисоб рақамига туширилиши, кейинчалик эса белгиланган тартибда тақсимланиши Қонун билан белгилаб қўйилган. Шунингдек, амалдаги Қонуннинг 10-боби (78-80 моддалар)да ундирилган пул суммаларини тақсимлаш ва ундирувчи талабларини қаноатлантиришнинг навбати аниқ мустаҳкамланган.

Хусусан, давлат ижрочиси қарздордан ундиран, шу жумладан унинг мол-мулкини реализация қилиш йўли билан олган пул суммасидан ижро хужжатини ижро этиш жараёнида қарздорга солинган жарималар тўланади, ижро ҳаракатларини амалга ошириш харажатлари қопланиши, қолган пул суммасидан ундирувчининг талабларини қаноатлантириш ва қарздордан ундирилган пул суммасига мутаносиб равишда ижро йифимини қоплаш учун фойдаланилиши, ундирувчининг барча талаблари қаноатлантирилгандан кейин қолган пул суммаси қарздорга қайтарилиши белгилаб қўйилган.

Шунингдек, Қонун талабига кўра қарздордан ундирилган пул суммаси ижро хужжатлари бўйича барча талабларни қаноатлантириш учун етарли бўлмаса, бу сумма ундирувчилар ўртасида ушбу белгиланган навбат бўйича

тақсимланиши, ҳар бир кейинги навбатдаги талаблар ўзидан олдинги навбатдаги талаблар тўлиқ қондирилгандан кейин қаноатлантирилиши, ундирилган сумма бир навбатдаги барча талабларни тўла қаноатлантириш учун етарли бўлмаса, улар ҳар бир ундирувчига тегишли суммага мутаносиб равишда қаноатлантирилиши шарт. Биз эътибор қаратишимииз лозим деб ҳисоблаётган ушбу жараённинг долзарблиги ҳам айнан шу ҳолатдадир. Агар қарздордан ундирилган пул маблағлари барча ундирувчиларга тақсимлаш учун етарли бўлса бирор бир муаммо ёки суиистеъмолчиликлар кузатиласлиги мумкин, бироқ ундирилган сумма жами қарздорликка нисбатан кам бўлсачи? Ушбу саволга икки хил нуқтаи назардан ёндашишимиз мумкин.

Биринчи масала, бугунги кунда Бюро органларида хизматни ўтаётган давлат ижрочиларининг қарийб 90 %дан ортиги ҳуқуқшунослар бўлиб, ундирилган маблағларни тақсимлаш улардан нафақат ҳуқуқий балки бухгалтерлик ҳисоби борасида ҳам муайян билим ва кўникмага эга бўлишни талаб қилади.



Бироқ, сўровномамизда иштирок этган давлат ижрочиларининг 45 % и ундирилган сумма барча талабларни қондиришга етарли бўлмаса бир навбатдаги ундирувчилар ўртасида teng, яъни пропорционал тақсимлаш қоидасини билмаслиги, мазкур қоидага асосан мустақил тақсимот қилишда қийналиши ёки тақсимотни депозит бўйича мутахассис ҳисоблаб бергани маъқул эканини маълум қилганлар. Ваҳоланки, ундирилган маблағлар

ундирувчилар ўртасида қонунга мувофиқ равишда тақсимланиши учун депозит бўйича мутахассислар эмас, балки давлат ижрочиси масъулдир.



Иккинчи ва асосий масала эса бугунги кундаги амалиёт, яъни инсон омили асосидаги тақсимот давлат ижрочиси ёки депозит бўйича мутахассис томонидан турли хил суиистеъмолчиликларга ва коррупцион ҳолатга йўл қўйилишига шароит яратиб беради. Айниқса, бу ҳолатлар битта ижро ҳужжати бўйича давлат ва бошқа ундирувчилар мавжуд бўлган ҳолатларда кузатилиши мумкин.

Ҳар икки ҳолатда ҳам, истанг давлат ижроисининг яхши тушунмаслиги, депозит бўйича мутахассисга ишониб қолганлиги ёки масъулиятсизлиги оқибатида бўлсин, истанг қасддан суиистеъмолчиликка йўл қўйсин унинг жавобгарлиги ва ижро иши бўйича ундирувчиларнинг хуқуқлари бузилиб, қонуний манфаатларига зиён етказилишига олиб келади.

Шу муносабат билан, ушбу жараёнда инсон омилини бутунлай инкор этиш ва ундирилган маблағлар қай тартибда тақсимланишидан қатъий назар Бюронинг ахборот тизимлари, хусусан “МИБ портал” дастурий таъминоти ёрдамида автоматик равишда амалга оширилишининг қуидаги механизми таклиф этилади.

МАЖБУРИЙ ИЖРО ҲАРАКАТЛАРИ ДАВОМИДА УНДИРИЛГАН СУММАЛАРНИ ТАҚСИМЛАШНИНГ ЖОРӢ ҲОЛАТИ




Навбат бӯйича: (Қонуннинг 80-моддаси)

1. Давлат, ...
2. Мол-мулкига етказилган зарар, ...
3. Мажбурий суғурта талаби
4. Мулк билан таъминланган талаб
5. Мулк билан таъминланмаган талаб
6. Бошқа (фуқародан фуқарога ёки давлатдан фуқарога қарз ундириш каби)

Пропорционал тартибда
(Қонуннинг 79-моддаси)

Ундирилган маблағлар **давлат ижрочиси** томонидан айнан ушбу тартибда бажарилиши **шарт**, пулларни бошқа шаклда тақсимлаш қонун билан таъқиқланади. Мазкур қоиданинг **давлат ижрочиси томонидан у ёки бу тарзда бузилиши** амалиётда унга нисбатан жавобгарлик (ҳокимият ёки мансаб ваколатини суистеъмол қилиши, мансабга совуқёнлик билан қараши, ҳокимият ҳаракатсизлиги ва боиҷа) масаласи кўриб чиқилишига сабаб бўлади.

МАЖБУРИЙ ИЖРО ҲАРАКАТЛАРИ ДАВОМИДА УНДИРИЛГАН СУММАЛарНИ ИНСОН ОМИЛИСИЗ ТАҚСИМЛАШНИНГ ТАКЛИФ ЭТИЛАЁТГАН МЕХАНИЗМИ



Ундирилган маблағлар **МИБ портал** томонидан автоматик равишда тақсимланиши қонуннинг жорий ҳолати талабига зид келмайди. Мазкур тартибни амалда қўллаш ушбу жараёнда инсон омили билан боғлиқ хатоликларни бартараф этади. Яъни, белгиланган муддатда ва аниқ математик ҳисоб-китоблар асосида тақсимот амалга оширилишини кафолатлади. Бундан ташқари, давлат ижроисининг эҳтиётсизлиги, ўз вазифасига сувооқонлик билан қарashi ёки қасдан содир қилиши мумкин бўлган бошқа ҳукуқбузарликларнинг олдини олади.

Давлат ижрочилари томонидан мажбурий ижро ҳаракатларини амалга ошириш мураккаб жараён экани барчамизга маълум. Мулкий ундирувларга оид ижро хужжатлари талабини бажариш мақсадида қарздорнинг молмүлкини аниқлаш, уларга қидирув эълон қилиш, хатлаш ва реализация қилиш орқали уни накд пул ҳолатига келтириш учун муайян вақт ва процессуал ҳаракатлари талаб этилади. Бироқ, баъзи ҳолларда ижро жараёнига қадар ундириб, вақтинчалик суриштирув ва тергов органларининг депозит ҳисобварақларида сақланаётган пул маблағлари ҳам қонунда белгиланган муддатларда реализация қилинмай қолинаётгани кузатилади.

Хусусан, Қонуннинг 48⁶-моддасида ундирувни суриштирув, тергов органларининг ёки суднинг депозит ҳисобварақларида сақланаётган пул маблағларига қаратиш хусусиятлари белгилаб берилган.

Мазкур тартибга кўра, суриштирув, тергов органларининг ёки суднинг депозит ҳисобварақларида сақланаётган суриштирув, дастлабки тергов ёки суд давомида хатланган ва олиб қўйилган, шу жумладан фуқаровий жавобгар томонидан киритилган ёхуд жиноий йўл билан орттирилган маблағлар сифатида олиб қўйилган, шунингдек айбланувчи ёки судланувчи томонидан гаров сифатида киритилган пул маблағлари суд томонидан ижро хужжати берилган кундан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай суднинг тегишли қарори талабларини ижро этишга қаратилиши керак.

Иш юритишида бўлган ижро хужжатлари бўйича давлат ижрочиси суриштирув, тергов органларига ёки судга мазкур органларнинг депозит ҳисобварағида вақтинча сақланаётган пул маблағларини уч кунлик муддат ичида Бюро органининг депозит ҳисобварағига ўтказиш тўғрисида талабнома юборади.

Талабнома белгиланган муддатда бажарилмаган тақдирда, давлат ижрочиси суриштирув, тергов органларининг ёки суднинг депозит ҳисобварағида вақтинча турган пул маблағларини ижро хужжати талабларига мувофиқ кейинчалик тақсимлаш учун Бюро органининг депозит

хисобварағига инкассо топшириқномаси орқали низосиз тартибда ҳисобдан чиқариши шартлиги қонун билан мустаҳкамлаб қўйилган.

Бироқ, амалиёт қонуннинг ушбу талаби тўлақонли ишламаётганини, аниқроқ айтадиган бўлсак, аксарият ҳолатларда суриштирув ва тергов органлар томонидан суриштирув ва дастлабки тергов давомида олиб қўйилиб, ушбу органларнинг депозит ҳисобварақларида сақланаётган нақд пул маблағларини давлат ижочилари томонидан реализация қилиш (эгасига қайтариш ёхуд ундирувни ушбу маблағларга қаратиш)да белгиланган муддатлар бузилаётганини кўрсатмоқда. Яъни, давлат ижочиси томонидан ижро ҳужжати бўйича ижро иши қўзғатилганидан кейин ушбу органларнинг депозит ҳисобварақларида сақланаётган нақд пул маблағларини Бюронинг депозит ҳисобварағига ўтказиш бўйича берилган талабномалар белгиланган муддатларда кўриб чиқилмаслиги кузатилмоқда. Давлат ижочисига ушбу ҳолатда пул маблағлари мазкур органларнинг ҳисобварақларидан инкассо топшириқномаси орқали олиб қўйиш ваколати берилган бўлсада, хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасидаги ўзаро муносабат ва назорат функцияларига кўра (масалан, прокуратура органлари томонидан Бюро органларининг назорат қилиниши) давлат ижочиси амалда ушбу ваколатдан умуман фойдаланмайди.

Суриштирув, дастлабки тергов ёки суд давомида олиб қўйилган, шунингдек киритилган гаров пуллари билан боғлиқ ижро ҳаракатларини (эгасига қайтариш ва ҳ.к.) амалга ошириш учун ушбу органларга киритган тақдимномангиз 3 кунлик муддатда қаноатлантирилганми?

372 responses



Ушбу диаграммада кўриниб турганидек, сўровномамиизда иштирок этган давлат ижро чиларининг атиги 16 %и суриштирув ва тергов органларига киритган талабномалар қонунда белгиланган муддатда қаноатлантирилаётганини тасдиқламоқдалар.

Амалиётда ушбу жараён қанча муддат талаб этаётганини сўровномамииз ёрдамида ўрганишга ҳаракат қилдик. Хусусан, амалиётда суриштирув ва тергов органларининг депозит ҳисобварагларидағи гаров суммаларини олиш учун иштирокчиларимизнинг (жами 372 нафар) 27 %и 10 кунгача, 16 %и эса бир ойгача, 8 %и эса бир ойдан ортиқ муддат сарфлаётганини баён қилган бўлиб, атиги 16 %и ушбу органлар 3 кунлик муддатга риоя қилаётганини тасдиқлаганлар. Колган иштирокчиларимиз (33%) ўз фаолиятида ушбу турдаги ижро ҳаракатига дуч келмаганини маълум қилганлар.

Эътиборли жиҳати шундаки, амалдаги қонунчилигимиз суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида хатланиб, олиб қўйилган, иш судда муҳокама қилинганидан кейин ҳам уларнинг депозит ҳисобварагларида сақланаётган пул маблағларини ушбу органлар мустақил равишда эгасига қайтаришига (агар гаров суммаси бўлса) ёки бошқача тарзда реализация қилишига йўл қўймайди. Ушбу маблағлар фақатгина ижро органи томонидан реализация қилиниши, яъни эгасига қайтарилиши, давлат даромадига ўтказилиши ёхуд ундирув шу маблағларга қаратилиши мумкин. Шундай экан, нима сабабдан бу маблағларнинг кейинги тақдирини ҳал қилиш учун албатта ижро органидан талабнома келиб тушиши кутилиши лозим?

Шу муносабат билан, мазкур жараённи янада соддалаштириш ва юқорида қайд этилган, амалиётда йўл қўйилиб келинётган қонунбузиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида муайян иш юзасидан судда қабул қилинган қарор қонуний кучга кирган заҳоти суриштирув ва тергов органларининг депозит ҳисобварагларида сақланаётган пул маблағларини тегишли ижро органининг депозит ҳисобварагига ўтказиб бериш амалиётини жорий қилиш мақсадга мувофиқ бўлади деган фикрдамиз.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, ижро иши юритувига ахборот технологиялари самарали татбиқ этилиши суд қарорлари ижросини таъминлашдаги айрим жараёнларни инсон омилини четлаган ҳолда, автоматлаштириб, давлат ижро чиларининг иш ҳажмини нисбатан енгиллаштиради, қолаверса соҳадаги айрим коррупцион ҳолатларнинг олдини олиш, шунингдек суд қарорларини қисқа фурсатларда ва самарали ижросини таъминлаш орқали ижро иши юритувидағи тарафларнинг ҳуқуқларини янада мустаҳкамлашга хизмат қиласди. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, ижро ишини юритишга оид қонун ҳужжатлари асосан императив нормалар бўлиб, бу жараёнда суд ёки бошқа ваколатли орган қарори муҳокама қилинишига йўл қўйилмайди. Шундай бўлсада, давлат бир бутун механизм бўлиб, асосий функцияси фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборатdir. Давлат ва унинг органларини мен инсон танасига қиёслаган бўлар эдим. Ҳудди инсон танасининг ҳар бир органи ягона умумий мақсадда ҳаракат қилганидек, давлатнинг ҳам ҳар бир органи асосий мақсадга эришиш, фуқароларга фаровон ҳаётни таъминлаш йўлида хизмат қилиши керак. Давлатнинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланиши биринчи навбатда фуқароларнинг минимал яшаш шароитини кафолатлаши, уларни тўловларга қобиллиги ҳақида ғамхўрлик қилишига ҳам боғлиқдир. Чунки, ҳар қандай мамлакатда ҳам фуқароларнинг молиявий ҳолати иқтисодий муносабатларга ўз таъсирини кўрсатади.

Айнан шу нуқтаи назардан ҳам ижро иши юритуvida қарздорнинг ҳам шахсий ва давлат томонидан кафолатланиши лозим бўлган нормал турмуш кечириш учун бўлган ҳуқуqlари муҳим аҳамият касб этиши таъкидланмоқда. Яъни, асосий мақсад қарздордан нафақат ижро ҳужжатида кўрсатилган суммани ундириш, балки амалга ошириладиган мажбурий ижро ҳаракатлари унинг иқтисодий аҳволини янада оғирлаштириб, келгусида яна янги

қарздорликларга кириб қолишини олдини олиш бўлиши лозим.

Мазкур тадқиқотимиз жараёнида тўпланган маълумотлар ва ўтказилган таҳлилларимиз асосида ижро иши юритувини янада такомиллаштириш ва соҳага замонавий ахборот технологияларини янада кенгроқ жорий қилиш бўйича қонунчиликка қўйидаги таклифлар киритилиши мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблаймиз.

1. Ўзбекистон Республикасининг “Суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунида ижро ҳужжати сифатида белгилаб қўйилган “ўзбошимчалик билан турар жойни эгаллаб олган ёки авария ҳолатида деб топилган уйларда яшаётган шахсларни маъмурий тартибда кўчириши тўғрисидаги прокурорларнинг қарорлари” деган нормани қайта кўриб чиқиши таклиф этилади.

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг 70-моддасида кўчириш суд тартибида амалга оширилиши белгилаб қўйилган бўлсада, ушбу модданинг учинчи қисмида турар жойларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олган шахслар прокурор санкцияси асосида маъмурий тартибда кўчирилиши, прокурор қарори устидан суд тартибида шикоят қилиниши мумкинлиги назарда тутилганлигини бироз мунозарали ва бу турдаги низолар бўйича яқуний хulosса суд томонидан қабул қилиниши лозим деб ҳисоблаймиз. Бундан тақшари, ушбу ҳолат бўйича прокурорнинг қарори масаланинг узил кесил ечимини ҳал қиласада, унинг фуқаролик ҳукуқий муносабатларига аралашувига олиб келади.

Шунга кўра, яъни Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг 70-моддаси 3-қисмидаги “Турар жойларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олган ёки” сўзларини чиқариб ташлаш ва шу тариқа Қонуннинг 7-моддаси 9-бандини:

“9) авария ҳолатида деб топилган уйларда яшаётган шахсларни маъмурий тартибда кўчириши тўғрисидаги прокурорларнинг қарорлари;” сифатида баён этиш таклиф этилади.

2. Қонуннинг 5-моддаси 12-банди ҳамда 7-моддаси 11-банди қонун хужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа органларнинг хужжатлари ҳам ижро хужжатлари ҳисобланишини назарда тутади ва бу ўз-ўзидан мавҳумликни касб этади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи айбизлиги учун реабилитация этилган яъни унга нисбатан ишни тугатиш ҳақида қарорда сурештирувчи, терговчи, прокурор реабилитация этилган шахснинг ўзига етказилган мулкий зиённи ундириб олиш хуқуқини эътироф этиши лозимлиги белгилаб қўйилган бўлсада, Ўзбекистон Республикаси “Суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 5 ва 7-моддаларида ижро хужжати экани сифатида аниқ баён этилмагани сабабли ушбу қарорларнинг ижросини таъминлашда молия органларида тушунмовчиликларга сабаб бўлиши, бунинг оқибатида реабилитация қилинган фуқароларга мулкий зиённи давлат бюджетидан тўлаб бериш жараёни сансалорликка солиниши мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда, қонунчиликка сурештирувчи, терговчи, прокурорнинг жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги қарорларининг мулкий ундиришга оид қисми ижро хужжати эканини аниқ белгилаб қўювчи нормани киритиш таклиф этилади.

3. Айрим турдаги ижро хужжатларининг хусусиятидан келиб чиқсан ҳолда Қонуннинг 8-моддасида белгилаб қўйилган ижро хужжатига қўйиладиган талабларга қўйидагиларни қўшимча равишда киритиш таклиф этилади.

- қарздор ва ундирувчи ҳақида маълумот:

жисмоний шахслар учун – қарздорнинг фамилияси, исми, отасининг исми (агар бўлса), яшаш манзили, иш жойи (агар бўлса), солик тўловчининг идентификацион рақами, ундирувчининг эса фамилияси, исми, отасининг исми (агар бўлса), яшаш манзили,;

юридик шахслар учун – солиқ тўловчининг идентификацион рақами;

- солиқ қарздорлиги ва кўрсатилган коммунал хизматлар учун қарз ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатлари бўйича қарздорлик вужудга келган давр;

- алиментлар ундириш тўғрисидаги ижро варақасида таъминоти учун алимент ундирилиши лозим бўлган ҳар бир боланинг фамилияси, исми, отасининг исми ва туғилган санаси, қарздордан ҳар ойда ундириладиган тўловлар миқдори ҳамда уларни ундириш муддати;

- олиб қўйилиши лозим бўлган боланинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси ва жойи ҳамда унинг айни пайтда яшаётган жойи ва бирга яшаётган шахслар тўғрисидаги маълумот (агар бўлса);

- ижро варақасини ижро этиш тартиби ва усули, агар бу ҳақда суд ҳужжатида кўрсатилмаган бўлса.

4. Фуқаролик ва иқтисодий процессуал ҳамда маъмурий иш юритиш тўғрисидаги қонунчиликда ижро ҳужжатларини ижрога топшириш муддатларини янада такомиллаштириш, бунда:

- судларнинг суд ҳужжатлари асосида бериладиган ижро варақалари - уч йил мобайнида ижрога топширилишини назарда тутувчи норма киритиш ва амалдаги Қонуннинг 27-моддасидаги ҳакамлик судининг қарорларини мажбурий ижро этиш тўғрисидаги суд ҳужжатлари асосида бериладиган ижро варақалари — олти ой мобайнида ижрога топширилишини назарда тутувчи нормани чиқарив ташлаш;

- амалдаги Қонуннинг 27-моддасидаги ишларни маъмурий тартибда кўриш ваколатига эга органларнинг (мансадбор шахсларнинг) қарорлари ижрога топшириш муддатини белгилаб берувчи нормада судларнинг ҳам маъмурий қарорларини назарда тутиш таклиф этилади.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 330-моддасига кўра, ҳар қандай маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарор чиқарилган кундан бошлаб уч ой давомида ижро этишга

қаратилмаган бўлса, у ҳолда бундай қарор ижро этилмаслиги белгилаб қўйилган.

5. Конунчиликка ундирувчининг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги оқибатида ижро хужжати узоқ муддат давомида ижро қилинмай қолинишининг олдини олишга қаратилган тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш.

Конуннинг 40-моддаси 1-қисми 5-бандида белгилаб қўйилган нормани 37-модданинг 2-қисмида 1¹-модда сифатида баён этиш. Бунда, агар ундирувчи ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан ижро хужжатининг ижро этилишига тўсқинлик қилаётган бўлса, шу жумладан ижро хужжатида қўрсатилган, қарздордан олиб қўйилган муайян ашёларни олишдан воз кечса ижро ҳаракатларини тамомлаш эмас, балки ушбу вазиятда давлат ижрочиси томонидан ижро иши юритувини тугатиш амалиётини жорий қилиш назарда тутилмоқда.

6. Ижро ишини юритиша:

- “дарҳол ижро этиш” тушунчасига аниқ ва батафсил таъриф бериш, ушбу турдаги ижро хужжатларини ижро қилиш муддатини аниқ белгилаш;

- ҳал қилув қарорни дарҳол ижрога қаратиш масаласи суднинг ихтиёрига кўра, ишнинг аҳамиятидан келиб чиқиб ҳал қилиниши мумкинлигини инобатга олган ҳолда, ушбу турдаги ҳал қилув қарорлари бўйича бериладиган ижро варакасида унинг дарҳол ижро қилинишини албатта қайд этиш таклиф этилади.

Ушбу турдаги ижро хужжатларини ижро қилишнинг аниқ муддати белгиланмасдан, амалиётда давлат ижрочиси томонидан ижро иши юритишини қўзғатиши тўғрисида қарор қабул қилинганидан кейин ушбу ижро хужжатлари ҳам бошқа турдаги ижро хужжатлари каби икки ойлик муддатда ижро қилиниши (алиментлар ёки бошқа даврий ундирувларни ижро қилиш тўғрисидаги ижро хужжатлари бундан мустасно) оқибатида фуқаролик ва иқтисодий процессуал қонунчилик назарда тутадиган “дарҳол ижро қилиш”

тушунчаси ўз аҳамиятини йўқотиши мумкин.

Бундан ташқари, амалдаги Қонунда ижро ҳужжатлари бўйича давлат ижрочиси томонидан ижро ҳужжатларини мажбурий ижро этиш бўйича ҳаракатлар амалга оширилганлиги учун қарздордан ижро йифими ундирилиши ҳамда ижро ҳужжатини ижро этмаганлик қонунда назарда тутилган жавобгарликка сабаб бўлиши белгилаб қўйилган бўлиб, дарҳол ижро этилиши лозим бўлган ижро ҳужжатлари бўйича қарздорга айнан қачон ушбу жазо чоралари қўллаш мумкинлиги мавхум қолган. Бу эса, ушбу турдаги ижро ҳужжатлари бўйича ижро йифими қўллаш ҳамда жавобгарлик масалалари амалиётда турли хил ҳал этилишига, баъзида эса айрим мансабдор шахслар томонидан турли суиистеъмолчиликларга йўл қўйилишига шароит яратиб беради.

7. Қонун ҳужжатларида қарздорга қўйилган чеклов қайси ҳолатларда олиб ташланиши лозимлиги аниқ белгилаб қўйилган ва бу ҳолатларда давлат ижрочиси чекловни олиш тўғрисида қарор қабул қилишга мажбур. Шундай экан, фуқароларга янада қулайлик яратиш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини янада мустаҳкамлаш мақсадида қарздорнинг четга чиқиши ҳуқуқини вақтинча чеклаш тўғрисидаги қарорни бекор қилиш жараёнини автоматлаштириш орқали такомиллаштириш. Бунда, қарздор жисмоний шахс томонидан қарздорлик маҳсус электрон тўлов тизимлари орқали “онлайн” шаклда бартараф этилганида, унинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишига қўйилган вақтинча чеклов маҳсус электрон тизимдан автоматик тарзда олиб ташланиши ва шу вақтнинг ўзида бу маълумот идоралараро маълумот алмашинуви тизими орқали автоматик тарзда Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармасига ҳамда Чегара қўшинларига юбориш тартибини жорий қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ушбу таклифнинг рўёбга чиқарилиши нафақат давлат ижрочисидан бажарилиши талаб этиладиган мажбурий ҳаракатлардан бирини автоматлаштирибгина қолмай, қисқа фурсат ичида, тезкорлик билан ва энг

муҳими инсон омилисиз ҳуқуқи чекланган шахснинг ҳуқуқи тикланишини таъминлайди.

8. Конунда Бюронинг веб сайтидаги “Ижро мониторинги”, “Қарздорликни текшириш” ҳамда “Бизнес ҳамкорингизни биласизми?” хизматларини кўрсатишнинг ҳуқуқий асосини аниқ белгилаш ва бугунги кундаги амалиётни қонунга мувофиқлаштириш мақсадга мувофик бўлади.

9. Конуннинг 22¹-моддаси қуйидагиларни назарда тутувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритиши.

Давлат ижрочиси томонидан қабул қилинадиган ва тарафлар (қарздор ва ундирувчи)га юборилиши лозим бўлган ҳар қандай қарор нусҳаси унинг жўнатилганлиги ва қабул қилиб олинганлиги фактларини қайд этиш имконини берувчи маҳсус автоматлаштирилган тизимдан фойдаланган ҳолда электрон почтага ёхуд мобиљ телефонга қисқа хабар (SMS) тарзида юборилади. Бунда, инсон омили тўлиқ инкор қилинишига алоҳида эътибор қаратилади, яъни давлат ижрочиси томонидан “МИБ портал” дастури ёрдамида муайян қарор қабул қилинганлиги айни пайтда автоматик тарзда ушбу дастур ёрдамида тарафларга ҳамда ижро иши юритувида ҳамкорлик қилинадиган бошқа ваколатли ташкилотларга қабул қилинган қарор ҳақидаги хабарнома юборилишини таъминлайди.

10. “МИБ портал” дастурида алимент ундириш тўғрисидаги ижро хужжатлари қарздорлар томонидан ўз вақтида бажариб борилаётганини автоматик тарзда мониторинг қилиб борувчи ва қарздорлик вужудга келган ҳолатларда бу ҳақда давлат ижрочисини дарҳол хабардор қилиш функциясини бажарувчи модул яратиш. Бундан кўзланган мақсад ўз вақтида тўланмаётган алиментлар бўйича давлат ижрочиси ундирувчилардан томонидан эмас, балки дастурий таъминот томонидан автоматик равишда хабардор қилиниши ва тегишли чоралар кўрилиши назарда тутилмоқда. Мазкур таклифнинг рўёбга чиқарилиши алиментлар бўйича қарздорлик вужудга келган ҳолатлар бўйича

давлат ижрочиси дархол муносабат билдириши ва тегишли мажбурлов ёки таъсир чоралари қўллашини таъминлайди. Қолаверса, бугунги кундаги Бюрога алиментлар ўз вақтида ундирилмаётганлиги юзасидан келиб тушаётган шикоятлар сонининг кескин қисқаришига олиб келади.

11. Узок йиллардан бўён ундириш имкони бўлмаётган қарздорликларни қайта кўриб чиқиш, қарздорнинг иқтисодий аҳволидан келиб чиққан ҳолда унга қарздорлик суммасини тўлиқ эмас, қисман ва бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини муайян шартлар ва аниқ режа асосида яратиб бериш ёки қарздан умуман озод қилиш механизмини жорий қилиш таклиф этилади.

Мазкур тартибни миллий қонунчилигимизга татбиқ этилиши Бош прокуратура хузуридаги Мажбурий ижро бюросининг имиджини ижобий томонга ўзгартиришга хизмат қиласи. Яъни, фуқаролар Бюрга фақатгина қарзларни қонуний чораларни (санкция)ларни қўллаган ҳолда ундирадиган ташкилот эмас, балки ундирувчилар учун қарзни тезроқ ундиришда, қарздорлар учун эса тезроқ ва энг қулай усуслар билан қарздан қутулишида ёрдам берадиган орган сифатида қарашига эришилишига хизмат қиласи.

12. Қонуннинг 66-моддасида белгилаб қўйилган нормани, яъни мажбурий ижро ҳаракатларида қарздорнинг иш ҳақи ва унга тенгглаштирилган тўловлардан ушлаб қолинадиган суммалар миқдорини социологик нуқтаи назарда ёндашган ҳолда қайта кўриб чиқиш. Бунда, ундирувни шахснинг ойлик иш ҳақи ва бошқа даромадларига қаратишида ундан мажбурий тартибда ушлаб қолинадиган фойзни белгилаш эмас, балки унинг нормал турмуш кечириши учун зарур бўладиган маблағ асосий мезон бўлишини, ундирув эса унинг ва қарамоғидаги шахсларнинг эҳтиёжидан ортган қисмигагина қаратилишини белгилаш таклиф этилади. Бу борада эса турли ҳил коррупцион ҳолатлар ва суиистеъмолчиликларнинг олдини мақсадида Ҳукумат томонидан ягона миқдор белгиланиши ва мунтазам равишда, инфляция даражасига мутаносиб равишда қайта ҳисоблаб борилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

13. Бюрга ҳар қандай иқтисодий ва ижтимоий муносабатларда юзага келган мулкий ёки номулкий муносабатлардаги мажбуриятни тасдиқлаш ва ижрота қаратишни назарда тутувчи қўшимча ваколат бериш.

Амалдаги қонунчилигимизга кўра суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини мажбурий ижро этиш вазифаси Бюрга юклатилган бўлиб, низосиз ҳолатларда судлар томонидан қабул қилинадиган хужжат ҳисобланадиган суд буйруги ёки нотариуснинг томонидан бериладиган ижро хужжат (нотариал ёзув) ихтиёрий равишда жавобгар томонидан ижро қилинмаган тақдирда ижросини таъминлаш учун Бюрга тақдим қилинади. Келиб тушадиган ушбу хужжатлар бўйича Бюорода ижро иши қўзғатилганидан кейин жавобгарга яна қўшимча ихтиёрий муддат берилиб, агар ушбу муддат давомида ижро хужжатининг талаби бажарилмасагина мажбурий ижро ҳаракатлари қўлланилиши мумкин. Ушбу муносабатларнинг қонуний ечимини Швеция ва Ўзбекистон тажрибаси ўзаро катта фарқ қилмасада уни амалга ошириш механизмидаги фарқни қўришимиз мумкин. Фикримизча, бу борада Швеция амалиётининг қўлланилиши ундирувчининг манфаатлари тезроқ рўёбга чиқарилиши ҳамда ўзининг бузилган ҳуқуқини факатгина битта органга мурожаат қилган ҳолда тиклай олиш имконини беради.

Қолаверса, Бюрга бундай ваколат берилиши судларнинг бугунги кундаги иш ҳажми нисбатан камайишига хизмат қилиб, уларга низоли масалалар бўйича янада батафсил муҳокамалар ўтказилишига ҳамда қисқа фурсатларда қарорлар қабул қилиш имконини беради.

14. Қонунчиликда қайси турдаги ижро хужжатларига айнан қандай хужжатлар илова қилинмаса мажбурий ижро қилинмасдан қайтарилишини аниқ белгилаб қўйиш. Бунда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.11.2020 йилдаги “Суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини ижро этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6118-сон Фармонида назарда тутилган суд хужжатлари бажарилиши бўйича давлатнинг мажбурлов кучини сафарбар қилмаган ҳолда уларнинг

ихтиёрий ижро қилинишини янада кенг татбиқ этиш, яъни айрим тоифадаги суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг ижросини таъминлаш чоралари натижасиз бўлган тақдирда, мазкур ҳужжатларни охирги чора сифатида мажбурий ижро органларига тақдим этиш тартибини жорий этишнинг қонуний асосини белгилаш бугунги куннинг долзарб вазифаси деб ҳисоблаймиз.

15. Ижро ҳужжатларини ижрога топширишда ахборот технологияларидан янада кенгроқ фойдаланиш ва бунда куйидаги таклифларни кўриб чиқиш.

Биринчидан, судлар ёки бошқа ваколатли давлат органлари томонидан “онлайн” шаклда Бюрга юборилган ижро ҳужжатлари бўйича ижро иши юритишни қўзғатиш ёки қўзғатишдан рад этиб, қайтариш жараёнини автоматлаштириш.

Иккинчидан, ундирувчилар томонидан ижро ҳужжатларини ижрога топшириш, шу жумладан муқаддам қайтарилган ижро ҳужжатларини қайта топшириш жараёнида тўлиқ электрон ҳужжат алмашинувини жорий қилиш. Бунда, ундирувчилар Бюронинг расмий ВЕБ сайти орқали “онлайн” шаклни тўлдириб, ўзининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқлаган ҳолда ижро ҳужжатини ижрога топшириш мумкинлиги, кейинчалик эса ундирувчининг электрон почта манзилига мазкур ижро ҳужжати бўйича ижро иши қўзғатилгани ёки рад этилгани ҳақидаги хабарномани “МИБ портал” дастури ёрдамида автоматик равишда юборилишини назарда тутиш. Ушбу амалиётнинг жорий этилиши ортиқча қоғозбозликка, шунингдек ижро ҳужжатини ижрога топшириш ҳақидаги мурожаатлар учун жавоб хатлари тайёрлаш ва уни муаллифга юбориш каби вақт, қолверса қўшимча ҳаражатларни тежашга хизмат қиласи.

Амалдаги Қонуннинг 40-моддаси биринчи қисмининг 2-бандида белгилаб қўйилган ундирувни амалга ошириш мумкин бўлмайдиган ҳолатларга ижро ҳужжатида келтирилган ёки унга илова қилинган

маълумотлар нотўғри экани аниқланган вазиятларни ҳам киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

16. Мажбурий ижро ҳаракатлари жараёнида ундирилган пул маблағларини тақсимлаш қоидасини қайта қўриб чиқиши. Бунда, ундирилган маблағларни биринчи навбатда амалга оширилган мажбурий ижро ҳаракатлари учун белгиланган тўловлар, алимент ва иш ҳақини ундириш билан боғлик ундирувларга ўналтириш, қолган суммаларни эса барча ундирувчилар ўртасида пропорционал равишда тақсимлаш амалиётини жорий қилиши. Бу жараёнда инсон омилидан бутунлай воз кечиш, яъни ҳар қандай ҳисоб-китоблар ва тақсимотлар давлат ижрочиси ёки депозит бўйича мутахассис томонидан эмас, дастурий таъминот ёрдамида амалга оширилишини йўлга қўйиш таклиф этилади.

Таклиф этилаётган тартиб ундирилган маблағларнинг тақсимоти қонунда белгиланган муддатда ва аниқ математик ҳисоб-китоблар асосида амалга оширилишини кафолатлайди. Бундан ташқари, давлат ижрочисининг эҳтиётсизлиги, ўз вазифасига совуққонлик билан қараши ёки қасдан содир қилиши мумкин бўлган бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олади.

17. Суриштирув ва тергов органларининг депозит ҳисобварағларида вақтинча сақланаётган пул маблағларини Бюронинг депозит ҳисобварағларига ўtkазish механизмини соддалаштириш. Бунда, муайян иш юзасидан судда қабул қилинган қарор қонуний кучга кирган заҳоти суриштирув ва тергов органларининг депозит ҳисобварақларида сақланаётган пул маблағлари тегишли ижро органининг депозит ҳисобварағига ўтказиб бериш амалиётини жорий қилиш таклиф этилади. Мазкур тартибининг жорий қилиниши қабул қилинган суд қарорларини қисқа муддатларда тўлиқ ижро қилинишига хизмат қиласи.

Албатта, ҳар бир ҳуқуқни ҳимоя қилувчи орган ходими муайян шахс устидан қарор чиқарар экан қонун устуворлигига таяниши лозим. Бироқ, ҳар

қандай ҳолатда ҳам инсонийликни, ҳар бир индивиднинг, ҳатто у ўта хавфли жиноятчи бўлган тақдирда ҳам, ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши керак. Қонун устуворлиги инсонийлик принципларига зид келиши жамиятдаги айрим муносабатларни издан чиқаришига сабаб бўлиши мумкин. Бу эса амалиётда расмий қонунлар эмас, турли кўринишдаги “ҳаёт қонунлари” харакатга тушишига олиб келади. Биз ҳуқуқшуносларнинг асосий вазифамиз эса муайян соҳадаги муносабатларни тартибга соловчи ҳуқуқий базани ишлаб чиқиш ва янада такомиллаштириб боришда уларни амалиётда қўллашнинг айнан шу жиҳатларига кўпроқ эътибор қаратишимииз мақсадга мувофиқ бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси. 145-модда. <http://lex.uz/docs/3523891#3535248>
2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. 178-модда. <http://lex.uz/docs/3517337#3526665>
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. 533-модда. <https://lex.uz/docs/111460#257034>
4. Ўзбекистон Республикасининг “Суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги 258-II-сон Қонуни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – Тошкент, 2001, 9–10-сон, 169-модда.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2006 й., 42-сон, 416-модда; 2014 й., 20-сон, 222-модда; 2017 й., 37-сон, 978-модда; Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.01.2018 й., 03/18/463/0634-сон; 21.03.2019 й., 03/19/531/2799-сон
6. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги 560-II-сонли Қонунининг 121-моддаси. //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 1-2, 10-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 9, 244-модда// <https://lex.uz/docs/83472>
7. Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги 474-II-сонли Қонуни. <https://lex.uz/docs/955375>
8. The Enforcement Code of Sweden. (1981:774) Section 14 of Chapter 7 and Section 6 of Chapter 13.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.05.2017 йилдаги “Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5059-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 22-сон, 425-модда, 25-сон, 531-модда.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 22.01.2018 йилдаги “2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5308-сонли Фармони. <https://lex.uz/docs/3516847>

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.12.2020 йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида»ги қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4938-сонли Қарори. <https://lex.uz/docs/5193227>

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.11.2020 йилдаги “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6118-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/5124086>

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 13.03.2018 йилдаги “Ижро ҳужжатлари юзасидан қарздорликларни ундириш масалалари бўйича ягона идоралараро электрон ҳамкорлик тизимини яратиш тўғрисида”ги ПҚ-3597-сон Қарори. <https://lex.uz/docs/3584034#3584072>

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 21.05.2018 йилдаги “Энергия ресурсларини истеъмол қилиш, сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари кўрсатиш, шунингдек, ижро ишини юритиш соҳасида

тўлов интизомини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 379-сон қарори. <https://lex.uz/docs/3743205>

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 14.04.2009 йилдаги “Қарздор ва унинг оиласининг нормал турмуш кечириши учун зарур бўлган, ижро ҳужжатлари бўйича ундирув қаратилиши мумкин бўлмаган уй анжомлари ва жиҳозлари, кийимлар ҳамда бошқа буюмлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги 110-сонли қарори. <https://lex.uz/docs/1470263?query=%D0%B8%D0%B6%D1%80%D0%BE>

16. Суд ҳужжати асосида берилган ижро ҳужжатини ёки ижро ҳужжати бўлган суд ҳужжатини узрсиз сабабларга кўра ижро этмаган қарздор жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклашни таъминлаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Мажбурий ижро бюроси, Ички ишлар вазирлиги ва Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг ҳамкорлиги тартиби тўғрисидаги низом. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 12.11.2019 йилда рўйхатдан ўtkazilgan, rўyhat raqами 3196.

17. Мамасиддиқов М.М., Ёдгоров Х.Б., Давлетов Ў.М. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Махсус қисм / Дарслик. Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбаев. –Тошкент. “ХТИ” нашриёти. 2018. –305 бет.

18. Тухташева У.А. Ижро иши юритиш. Дарслик. –Тошкент. ТДЮИ кичик босмахонаси. 2008. -45 б.

19. М.М.Мамасиддиқов. Фуқаролик процесси. Фуқаролик ишлари бўйича судьяликка захира олинган номзодлар учун қўлланма. Тошкент. “BAKTRIA PRESS”. 2014 й. – 332-333-б.

20. Ходжиев Ю.М. Суд қарорларини мажбурий ижро этиш шартлари ва тартиби. Юридик фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. Автореферат. – Тошкент, “Akadem-Xizmat”. 2008, 12-б.

21. Jiejing Yao, Refined Execution of Courts based on Big Data and Artificial Intelligence, 2019, Advances in Social Science, Education and Humanities Research, volume 325.
22. Harmonization of Enforcement Procedures in an Area of Justice with No Boundaries Paris, EJT, coll. Passerelle, 2007.
23. <https://mib.uz/home>
24. <https://www.uihj.com/>
25. <https://kronofogden.se/Foreskrifter.html>
26. <https://kun.uz/news/2020/01/27/2020-yil-davomida-istemol-savatchasi-va-yashash-darajasi-minimumi-elon-qilinadi-jamshid-qochqorov>
27. <https://kun.uz/news/2020/11/09/ozbekistonda-istemol-savatchasi-nega-qabul-qilinmayaptii>
28. <https://www.prosperity.com/rankings>